



49
(1471)-son
18-dekabr
2020

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ТАЪЛИМ

Амтида ИТ-инкубация маркази ҳамда Фахрий маслаҳатчилар жамияти иш бошлади **3-бет**

ЯНГИ ҚАРОР

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизими такомиллаштирилади **5-бет**

ОНЛАЙН-КАССА

С 1 марта 2021 года меняется использование онлайн-НҚМ **6-бет**

ЖУРНАЛИСТ ВА ҲАЁТ

Навоий вилоятида икки кун... **8-9-бетлар**

МАСЛАҲАТ

Қолган ишга қор ёғдирманг! Ёки дангасалиқдан халос бўлишнинг самарали йўллари ҳақида **10-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА

Хитой Марсга учирган қурилма ярим йўлни ортда қолдирди — 100 миллион километр **12-бет**

ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Учинчи ташаббус



ХАМКОРЛИК

ТАТУ ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ МИЛЛИЙ АХБОРОТ ЖАМИЯТИ АГЕНТЛИГИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Жорий йилнинг 11 декабр кунини Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети вакиллари Жанубий Корейнинг Миллий ахборот жамияти агентлиги (NIA) томонидан ташкил этилган "2020 – Глобал етакчилик онлайн форуми" (2020 Global ICT leadership online forum)да иштирок этди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Жанубий Корея, Непал, Камбоджа, Туркменистон, Сербия каби мамлакатлар ахборот-коммуникация технологиялари ва турдош вазирликлари вакиллари қатнашган ушбу онлайн форум давомида ТАТУ ва NIA ўртасида Англашинув меморандуми имзоланди. Меморандум асосида университетнинг Фарғона филиалида Ахборот алмашиш марказини ташкил этиш, АКТ соҳасида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, ахборот ва билимлар алмашиш имкониятларини ошириш буйича ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга келишиб олинди.

ТАТУнинг Фарғона филиалида ташкил этиладиган Ахборот алмашиш маркази АКТ соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, талабалар ва кенг жамоатчиликни ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимларни эгаллаш, соҳага оид турли дастурларда иштирок этиш имкониятини яратди.

КОРОНАВИРУС ҚИТЪАЛАР КЕСИМИДА

(вирусни юқтириш ҳолатлари сони, 17.12.2020)

1. Европа — 20 456 772
2. Ш.Америка — 20 043 353
3. Осиё — 19 395 574
4. Ж.Америка — 12 173 488
5. Африка — 2 443 850
6. Океания — 46 985



Манба: Worldometer

2 | ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Umadan
umagacha



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабр куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан видеоконференция шаклида учрашув ўтказди. Саммит кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди. Шунингдек, жаҳондаги вазият ҳамда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабр куни Олий Евроосий иқтисодий кенгашининг видеоконференция шаклидаги йўналишида иштирок этди. Саммит кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми бериш масаласи кўриб чиқилди, шунингдек, бирлашма доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллабй тизимда йўлга қўйилган ислохотларнинг одамлар ҳаётидаги ифодасини кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида 12-13 декабр кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабр куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбаев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевни Мустақиллик куни билан табриқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 декабр куни бўлиб ўтган видеоселектор йўналишида қишга тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари танқидий таҳлил қилинди.

Бугун, 18 декабр куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнчинчи йилги мажлиси видеоконференция тарзида ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

Ўзбекистон – Ҳиндистон: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Ҳиндистон ахборот технологиялари соҳасида дунёда етакчи давлатлардан биридир. 2018 йилда давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга ташрифи мамлакатимиз ахборот технологиялари соҳаси келажаги учун муҳим воқеалик бўлди. Бунинг мамлакат ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик йўналишлари мисолида яққол кўриш мумкин.



Биринчи йўналиш сифатида 2019 йил июл ойида Ҳиндистоннинг Дастурий технологиялар парклари жамияти билан ҳамкорлик доирасида Тошкентда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркни ташкил этилганини эса олиш жоиз. Республикада халқаро тажрибани қўллаш, IT соҳада билим алмашиш ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Ҳиндистондан эксперт жалб қилинди.

IT-Паркда бугунги кунда 400га яқин корхона резидент ҳисобланади ва уларда 6 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилади. Бу корхоналарга қатор имтиёзлар берилган, уларга ўз хизматларини экспорт қилиш учун барча шароитлар яратилган. Аини пайтда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари мутахассислари учун замон талабларига жавоб берадиган 17та IT шаҳарча қуриляпти.

IT-Парк фаолияти тобора кенгайиб, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида унинг филиаллари ташкил этилди. Келажақда бундай филиаллар юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб қолмади.

Бундан ташқари, IT-Парк негизда Президентимиз илгари сурган 5та муҳим ташаббус доирасида жойларда 74та Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди. Кейинги йил

охиригача республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ана шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг натижасида ёшларимиз ахборот технологиялари соҳасига кенг жалб қилинади, қўшимча иш ўринлари яратилади, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ходимларининг малакаси оширилади, пировардида республикамизда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни жорий этиш жараёни тезлашади.

Иккинчи йўналиш эса таълим соҳасидаги ҳамкорликдан иборат. Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг Амйти университети ташкил этилиши нафақат ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш имконини оширади, балки олий ўқув юртлари ўртасида кучли рақобат муҳитини ҳам шакллантиради. Университетда аини пайтда 800 нафарга яқин йигит-қиз таҳсил олмақда. Унда ахборот технологиялари, компьютер технологиялари, иқтисодиёт, менежмент, туризм йўналишлари бўйича бакалавр ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Мазкур олийгоҳ пандемия шароитида кириш имтиҳонларини юртимизда биринчилардан бўлиб онлайн тарзда ўтказди. Қолаверса, карантин чекловлари даврида мамлакатимизда онлайн таълим жараёнини биринчилардан бўлиб

бошлаб берган ҳам ана шу университет саналади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида Жаваҳарлаб Неру номидаги Ўзбекистон – Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ҳам ташкил этилган. Марказда ҳозирги кунга қадар 32 минг 800 нафар мутахассис малака оширди. Уларнинг 5 минг 100 нафари олий ўқув юртлари талабаси, 27 минг 700 нафари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик компания, банк ва бошқа ташкилотлар ходимларидир.

Халқимизни рози қилиш давлат бошқаруви, хусусан, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилини камайтириш, фуқаролар муаммо ва муурожаатларини тезкорлик билан ҳал этишда ахборот технологияларини кенг қўллашни тақозо этади.

Аини шу жараёнда маҳаллий ахборот технологиялари кадрларини тайёрлаш, вазирлик ва идоралар ходимларининг IT саводхонлигини ошириш чораларини кўриш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Ҳиндистон Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги билан ахборот технологиялари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат дастурий маҳсулотлар тайёрлаш, электрон тижорат, электрон тўлов тизимлари, ахборот технологиялари соҳасида таълим ва тадқиқотлар олиб бориш, ақлли технологияларни жорий этиш, биг-дата, интернет буюмларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишда “Рақамли Ҳиндистон” тажрибасини ўрганиш ва ундан амалда фойдаланиш режалаштирилган.

Келажақда ҳинд ахборот технологиялари компаниялари билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар, лабораториялар, кадрлар тайёрлаш бўйича онлайн ўқув тизимини кенг жорий этиш, стартап экотизим учун ҳинд сармояларини жалб қилишга қаратилган фаолиятимизни янада ривожлантиришни кўзлаганмиз.


ШУХРАТ СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

АМИТИДА ИТ-ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИ ҲАМДА ФАХРИЙ МАСЛАҲАТЧИЛАР ЖАМИЯТИ ИШ БОШЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда Ҳиндистонга ташрифи давомида ахборот технологиялари йўналишларида ҳам бир қатор қелишувларга эришилган эди. Ана шу ҳамкорликнинг илк натижаси сифатида 2019 йили Амита таълим гуруҳи таркибига кирувчи Тошкентдаги Амита университети ташкил этилди.

Амита университетининг Ҳиндистондан ташқари Дубай, Сингапур, Буюк Британия, Австралия, Франция каби давлатларда жами 16та халқаро ўқув кампуслари бор. Уларда 175 минг нафар талаба ўқийди. Талабаларга 6 минг нафар профессор-ўқитувчилар таълим беради. Мазкур олий ўқув юрларида ахборот технологиялари, иқтисодиёт, менежмент, туризм сингари йўналишларда малакали мутахассислар тайёрланади. Университетнинг Тошкентдаги кампусида эса 780 нафар талаба таҳсил олмақда.

Бугун, 17 декабр куни Тошкентдаги Амита университетида иккита муҳим тадбир бўлиб ўтди. Дастлаб ИТ-Парк билан ҳамкорликда университетнинг ИТ-инкубация маркази очилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда соҳа корхона раҳбарлари ва та-



лабалар иштирок этишди.

– Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан ташкил этилган мазкур университет қисқа фурсатда ёшларнинг сеvimли таълим масканига айланиб улгурди, – деди Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Соҳидов тадбирнинг очилиш маросимида. – Ўқийман, дейдиганлар учун ҳамма шароитлар яратилган. Мана бугун университетнинг ИТ-инкубация маркази очилди. Сизлардан фақат ва фақат ўқиш, изланиш талаб қилинади. Фахрий маслаҳатчилар жамияти аъзолари эса ўз маслаҳатлари билан университет фаолиятини янада кучайтиришга, талабгир кадрларни тайёрлашда оқилона йўл кўрсатишга ёрдам берадилар, деган умиддаман. Университет ўқитувчи-



ларига миннатдорлик билдираман, марказ фаолиятига эса омад тилайман.

Видеоконференцалоқа тизими орқали таълим муассасаси президенти Атул Чаухана ҳам сўзга чиқиб, ҳамкорлик самарали бўлаётганидан мамнунлигини билдирди.

Иккинчи муҳим воқеа – университет қошида Фахрий маслаҳатчилар жами-

яти фаолияти йўлга қўйилди. Тадбирда кампус раҳбари, мазкур жамият директори Сунил Кумар Катри жамият вазифалари ҳақида батафсил маълумот берди. Жамият аъзолигига таклиф қилинганларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг меҳмонлар университетнинг ИТ-инкубация марказига таклиф қилинди. Талабалар йигилганларга ўз бизнес лойиҳалари, стартап ғоялари ҳақида сўзлаб беришди.

Эслатиб ўтамиз, Амита университети дунёнинг “ТОП 3%” юқори рейтингига кирган, жумладан, АҚШ ва Буюк Британиянинг энг юқори аккредитациясига эга Осиеининг ягона университети.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Учрашув

“ЎЗКОМНАЗОРАТ”ГА ПРЕСС-ТУР

Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси соҳанинг мақсад ва вазифалари, амалга ошираётган ишларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун махсус пресс-тур ташкил этди.



Тадбир аввалида ОАВ ходимлари “Ўзкомназорат” марказий аппарати бўлимлари фаолияти, инспекцияда амалга оширилаётган ишлар, унинг мақсад ва вазифалари билан яқиндан танишишди. Сўнгра мажлислар залида журналистлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда сўз олган “Ўзкомназорат” бошлиғи Ғолибшер Зияев бугунги кунда инспекция олдида турган долзарб вазифалар ҳамда топшириқлар ижроси, амалга оширилаётган ишлар хусусида гапирди.

“Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК директори Нозимжон Далибаев ҳам марказда дастурлаш, аудит, дизайн, ижтимоий тармоқларда маркетинг ҳамда бошқарув жараёнини автоматлаштириш ва қайта қуриш хизматлари, жумладан, инфографика тайёрлаш ҳақида батафсил маълумотлар берди.

ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Солижон ЗОИРОВ
Муаллиф олган суратлар



Сайёр қабул

Жорий йилнинг 15 декабр куни Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун сайёр қабул ўтказилди.

МИРЗАЧЎЛ ВА ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНЛАРИДА УЧРАШУВ

Сайёр қабул давомида фуқаролардан телекоммуникация, мобил алоқаси, радио-телевидение, ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш, мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш, ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларга қабул ва ўқувчиларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида муурожаатлар билдирилди.

Қабул давомида жами 27та муурожаат келиб тушди, 11та муурожаат ижобий ҳал қилинди ва 16таси назоратга олинди.

Шу билан бирга, вилоятнинг Мирзачўл ва Дўстлик туманларида “Бешта муҳим ташаббус” доирасида Рақамли технологиялар ўқув марказлари, Жиззах шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби негизда информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш, Зарбдор туманини 2020 йил якунига қадар рақамли трансформация қилиш бўйича тасдиқланган йўл харитасига киритилган лойиҳалар ижроси би-

лан жойларга чиқиб танишилди.

18 декабр куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида ўтказилган сайёр қабул давомида аҳоли томонидан жами 13та муурожаат келиб тушди. Шундан 8та муурожаат сайёр қабул давомида ижобий ҳал қилиниб, қолган бешта муурожаат ўрганиб чиқиш учун назоратга олинди.

Сайёр қабул жараёнида асосан интернет тармоғига уланиш, мобил алоқа хизматлари, рақамли телевидение йўналишида муурожаатлар кўриб чиқилди.



Шунингдек, шу куни Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида навбатдаги Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолиятини бошлади. Марказнинг очилишида АКТ вазирлиги, вазирликнинг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, туман ҳокимлигининг раҳбари ва ходимлари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

4 РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ

ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА



«1»
Учинчи ташаббус



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги давлат ҳокимияти органлари билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйиб, республика миқёсида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишни давом эттирмоқда.

Наманганда бир вақтнинг ўзида 12та марказ очилди

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Жорий йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 15 декабр куни Наманган вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда 12та Рақамли технологиялар ўқув марказлари иш фаолиятини бошлади.

Рақамли технологиялар ўқув марказлари қайта таъмирланиб, мебел, компьютер ва ортехника қурилмалари билан жиҳозланди.

Уларнинг умумий майдони 3 минг 817 кв. метрни ташкил этиб, мебел жиҳозлари, ортехника ва 490та замонавий компьютер билан таъминланган.

Марказларнинг барчаси 15 декабр куни Наманган шаҳри ва туманларида тантанали очилди.

Маросимда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари Ж.Эгамбердиев, Наманган вилояти ҳокими Ш.Абдураззоқов, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазирлик маъсул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирларда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар, ёш дастурчилар, ахборот технологияларини ўрганиш истагида бўлган ёшлар ҳам иштирок этишди.

Булоқбошилиқ ёшларга туҳфа

Анджон вилояти Булоқбоши туманида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Булоқбоши туман ҳокимлиги ва ИТ-Парк кўмагида Рақамли технологиялар ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.


Унда АКТ вазирлигининг Анджон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зиёдулла Саматов ва Булоқбоши тумани ҳокими Уткирбек Мамуров ҳамда маҳаллий ёшлар иштирок этишди.

Мазкур марказ туманда ахборот технологияларига қизиқувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишга, инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни оммага кенг татбиқ этишга, қолаверса, иқтидорли ёшларни фриланс сифатида иш бошлашига кўмаклашади.

Жиззах вилоятида бешинчи марказ

Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспортни омаллаштириш, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида юртимизда босқичма-босқич рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил қилинмоқда.

Жиззах вилояти, Бахмал туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади. Ўқув маркази Жиззах вилоятида ташкил этилган бешинчи ўқув маркази ҳисобланади.



Очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси, Бахмал туман ҳокимлиги раҳбар ва ходимлари, ИТ-Парк маслаҳатчиси ҳамда маҳаллий ёшлар иштирок этишди.

Мазкур марказ замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, компьютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб-дизайн, компьютер графикаси, киберспорт ўйинлари каби ихтисослашган ўқув курсларни ташкил этиш учун мўлжалланган. Шу билан биргаликда ўқув марказида тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириш режалаштирилган.



Нишон ва Яккабоғ туманларидан хушхабар

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг Нишон телекоммуникациялар боғламаси қошида очилган мазкур ўқув маркази мамлакатимизнинг кенг аҳоли қатламни масофавий махсус онлайн-портал орқали ИТ-йўналишлари бўйича тайёрлашга йўналтирилган йирик лойиҳа — "Бир миллион дастурчи" доирасида амалга оширилди.

Ўқув марказнинг очилишида сўзга чиққан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Хушимов ҳамда Нишон тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Озод Амиркулов марказда туман ёшларининг ахборот ва рақамли технологиялар, дастурий таъминот яратиш, киберспорт ва робототехника асосларини ўрганишлари учун барча шароитлар борлигини таъкидлаб, уларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшадиган мутахассисликларни эгаллашида омад тилашди.

Мазкур марказда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқитилади ва курсларни муваффақиятли тугатганларга сертификатлар берилади. Марказ ахборот-коммуникация технологиялари, робототехника ва киберспорт йўналишларидан ташкил топган.

Бундай ташаббус Яккабоғ ёшларини ҳам қувонтирди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Санжар Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи Зафар Нормуродовлар марказда вилоятдаги ёшларнинг ахборот ва рақамли технологиялар, дастурий таъминот яратиш, киберспорт ва робототехника асосларига ўқитиш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшадиган мутахассислар етишиб чиқишига ишониларини таъкидлашди.

Марказнинг очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси мутасаддилари, алоқа корхоналари раҳбарлари, туман фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

ЁШ ДАСТУРЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчи йўналиши – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш доирасида жорий йил 16 декабр куни Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки – IT-Парк Сирдарё вилояти филиалида “Junior дастурчи” форуми ташкил этилди.



Форум Сирдарё вилояти ҳокимлиги, АКТ вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят IT-Center, Халқ таълими бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Гулистон давлат университети талабалари, умум-

таълим мактаблари ўқувчилари, шунингдек, маҳаллий дастурчилар ҳамда дастурий махсулотлар ишлаб чиқувчи IT-компаниялар иштирок этдилар.

Ахборот технологиялари соҳасида эришилган натижалар ва амалга оши-

рилаётган лойиҳаларни кўрсатиш, вилоят ёшларининг IT соҳасига бўлган қизиқишини янада ошириш, уларнинг ишланмаларини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган форум давомида ёш дастурчиларнинг ишланма ва дастурий


махсулотлари намойиш этилди.

Тадбир сўнггида энг яхши деб топилган ишланма ва дастурий махсулотлар учта номинация бўйича саралаб олиниб, ғолибларга эсдалик совгалари ва сертификатлар топширилди.

➤ Декабрь – ҳуқуқ ойлиги

ЭРКИНЛИК ВА БУРЧ КАФОЛАТИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалида почта алоқаси ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Унда сўзга чиққан “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори О.Маҳмудов, вилоят прокуратураси Маъмурий ишлар бўйича бўлим бошлиғи А.Чўлпиев, АКТ вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўлими бошлиғи О.Узоқов, вилоят Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳудудий маркази ўқитувчиси Д.Азизова, Қарши шаҳридаги 33-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси С.Ҳасанова, Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси инспектори Ў.Ғофуров ва бошқалар барчани юртимиз тараққиётининг пойдевори, тинч ва фаровон кунларимиз асоси бўлган асосий қонунимиз – Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги билан қизғин қутлашди. Бош қомусимиз – бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи, ғурур-ифтихори, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, дини, irqи ва тилидан қатъи назар, барча учун мустаҳкам ҳимоя, фуқаролик жамияти истиқболлини белгилаб берувчи дастуриламал ҳужжат эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, асосий қонунимиз юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун нафақат ҳуқуқ ва эркинликларни кафолати, айна пайтда давлат ва жамият олдидаги бурчларини ҳам белгилаб беради.

Афтондил ИСМОИЛОВ

➤ Муҳим ҳужжат

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

“Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-4921-сон, 14.12.2020 й.) қабул қилинди.

Қарор билан почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Унга кўра, жумладан:

- почта ва қуёрьлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда “якуний манзил” хизмати жорий этилади;
- “Гибрид почта” жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш хизматлари сони 2 баробарга оширилади;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг махсулотларини онлайн сотиш ва миқозларга етказиб бериш имкониятини берувчи электрон савдо майдончаси ахборот тизими яратилади;
- республиканинг камида 1 000та почта бўлимида, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда молиявий хизматлар турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилиш икки баробарга кенгайтирилади ҳамда аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилади;
- олис ва чекка ҳудудлардаги почта бўлимида давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилади.



2021 йилда 42та намунавий туманларда (шаҳарларда) почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи “Йўл харита”лари амалга оширилади.

Унга кўра:

- 267та почта алоқаси бўлими биноси таъмирланади;
- 110та бино давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қурилади;
- 326та почта алоқаси бўлимига 754 км. оптик толали алоқа линиялари тортилади;
- 250та почта алоқаси бўлими замонавий компьютер техникаси ва мобил қурилмалар билан таъминланади;
- 42та туман почта алоқаси боғламасида “Гибрид почта” жўнатмаларини чоп этиш ва унга ишлов берган ҳолда олувчиларга етказиб бериш йўлга қўйилади;
- 230та почта алоқаси бўлимида банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилади;
- 55та қўшимча почта алоқаси бўлимини очиб ҳисобидан 145та янги иш ўрни яратилади.

➤ Рейтинг

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ БЎЙИЧА ДУНЁ РЕЙТИНГИДА ЮҚОРИЛАДИ



Ookla компаниясининг Speedtest.net сервиси 2020 йил ноябр ойи натижалари бўйича янги маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон интернет тезлиги бўйича бир ойда икки поғонага кўтарилди.

Умумий рейтингда мамлакатимиз 176 давлат ичида 94-поғонани эгаллаб, қайд этилган интернет тезлиги 32,39 Мбит/с.ни ташкил этди.

Маълумот учун, бир йил аввал республикамиз жаҳонда 112-ўринда бўлган ва интернет тезлиги 19,91 Мбит/с.ни ташкил этган. Бир йил ичида тезлик 10 Мбит/с.га ошди ва рейтингдаги ўрин 18 поғонага юқорилади.

6 | ОНЛАЙН-КАССА

С 1 МАРТА 2021 ГОДА МЕНЯЕТСЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОНЛАЙН-ККМ

В порядок использования онлайн-касс внесли изменения и дополнения. Об этом сообщила пресс-служба Государственного налогового комитета.

Отменяется требование наличия экрана с емкостью не менее TFT LCD 800 * 480 онлайн-ККМ для проверки фискальных данных перед печатью на бумаге и выполнения других операций, требующих отображения названия товаров (услуг) на экране.

Ранее не было четких правил о том, в каких налоговых органах предприятий, занимающихся передвижной торговлей, следует регистрировать онлайн-ККМ или виртуальную кассу. Теперь эти предприятия должны регистрировать онлайн-ККМ или виртуальные кассы в районной (городской) государственной налоговой инспекции по месту своей регистрации.

Кроме того, вдвое уменьшена сумма резервных средств сервисных центров и предприятий, выпускающих онлайн-ККМ.

То есть, теперь производители (импортеры) онлайн-ККМ (виртуальных кассовых аппаратов) могут переводить средства на специальный счет в уполномоченных органах в качестве резерва в размере от 100 до 1000 БРВ (раньше было от 200 до 2000 БРВ).

Средства принимаются в наличной и безналичной форме. Ранее предприятия оплачивали онлайн-ККМ или



виртуальную кассу только перечислением средств на счет оператора (ГУП «Новые технологии»). При этом предприниматель не мог выплатить эту сумму, если на счете были инкассовые поручения.

Согласно изменениям, онлайн-ККМ:

■ смогут отправлять информацию о геолокации оператору в месте с проверочными данными, если это технически возможно;

■ система автоматической блокировки будет введена после того, как онлайн-ККМ будут работать 24 часа в автономном режиме.

Изменения, вносимые в виртуальные кассы:

■ в виртуальную кассу можно вносить изменения и дополнения;

■ фискальные данные в

случае изменений и дополнений при их отправке оператору, должны получить повторное заключение от оператора и центра кибербезопасности;

■ предприниматели могут передавать фискальные данные оператору через программное обеспечение виртуальной кассы, разработанное ГНК.

Сумма резерва может быть сформирована в течение шести месяцев на основании гарантийного письма от банка или страховой компании. В этом случае размер резерва может быть оставлен на усмотрение предпринимателя на основании гарантийного письма банка.

Изменения и дополнения вступят в силу с 1 марта 2021 года.



ESPORTS CENTER В УЗБЕКИСТАНЕ ТЕПЕРЬ МОГУТ РАБОТАТЬ 24/7

Киберспортивные центры Esports Center, имеющие сертификат сотрудничества с Федерацией электронного компьютерного спорта Узбекистана, теперь могут работать 24/7.

Ожидается, что круглосуточный доступ к соревнованиям позволит спортсменам состязаться с соперниками по всему миру несмотря на часовые пояса.

Федерация виртуальных спортивных игр и киберфутбола существовала в Узбекистане с 2016 года, в августе 2018-го она была переименована в Федерацию электронного спорта и получила право проводить турниры и заниматься подготовкой спортсменов и тренеров. Тогда же киберспорт был официально признан видом спорта в Узбекистане.

Позже федерация заключила соглашение с Alibaba Groups для проведения первого в истории страны отборочного раунда турнира WESG (World Electronic Sports Games).

Итоги-2020

ОБЪЯВЛЕНЫ ЛУЧШИЕ КОМПЬЮТЕРНЫЕ ИГРЫ 2020 ГОДА

11 декабря прошла церемония награждения The Game Awards. По итогам голосования лучшей игрой назвали приключенческий боевик с элементами survival horror и стелс-экшена от третьего лица The Last of Us Part II. Она же получила больше всего номинаций.

Весь список победителей выглядит так:

- Самая ожидаемая игра — Elden Ring.
- Лучшее художественное оформление — Ghost of Tsushima.
- Лучший саундтрек — Final Fantasy VII Remake.
- Лучшее повествование — The Last of Us: Part II.
- Лучший мультиплеер — Among Us.
- Лучшая игра-сервис — No Man's Sky.
- Лучший экшен — Hades.
- Лучшая реинициация — The Last of Us: Part II.
- Лучший дизайн звука — The Last of Us: Part II.
- Лучшая поддержка сообщества — Fall Guys.
- Лучшая дебютная игра — Phasmophobia.
- Лучшая семейная игра — Animal Crossing: New Horizons.
- Лучший фандинг — Mortal Kombat 11 Ultimate.
- Лучшая ролевая игра — Final Fantasy VII Remake.
- Лучший симулятор или стратегия — Microsoft Flight Simulator.
- Лучшая социально значимая игра — Tell Me Why.
- Лучшая инди-игра — Hades.
- Лучшая мобильная игра — Among Us.
- Лучшая киберспортивная игра — League of Legends.
- Инновации в опциях для доступности — The Last of Us: Part II.
- Лучшая гонка или спортивный симулятор — Tony Hawk's Pro Skater 1+2.
- Лучшая игра для AR или VR — Half-Life: Alyx.
- Лучшая актерская игра — Лора Бейли — Эбби из The Last of Us: Part II.



Госзакупки

ЗАПУСТИЛСЯ ЭЛЕКТРОННЫЙ МАГАЗИН ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК XT-XARID.UZ

Департамент государственных закупок Казначейства Министерства финансов запустил электронную систему государственных закупок xt-xarid.uz.

Электронный магазин для государственных закупок — площадка, где можно покупать товары и услуги, к которым не предъявляются какие-либо особые требования. Участниками торгов могут быть представители и малого бизнеса, и крупных корпораций.

Чтобы стать участником торгов необходимо:

- иметь ЭЦП (она является основанием для признания действительности договора, который заключается в системе);
- внести на свой лицевой счет в РКП (расчетно-клиринговая Палата) авансовый платеж.



Локализация

В НАВОИ ВЫПУСКАЮТ СМАРТФОНЫ «УЗБЕКИСТОН»

ООО Telecom Devices PRO, расположенное в свободной индустриальной зоне города Навои, начало выпуск смартфонов «Узбекистон».

Новые смартфоны созданы по поручению Мининфоком на основе разработки специалиста по локализации проекта и внешнеэкономической деятельности этого ООО Зарнигор Джумановой.

Технические характеристики:

- Операционная система Android 9.0 Pie;
- Разрешение экрана 1520-720;
- Процессор Helio P23 octa-core (4-2.0GHz Cortex A53 + 4-1.5GHz Cortex A53);
- Количество ядер: 8 Частота: 1.5 ГГц;
- Оперативная память (RAM): 4 Гб, внутренняя память (ROM): 64 Гб;
- Основная камера: двойная камера разрешением 12MP (F2.0) +5MP;
- Селфи камера: разрешение 16MP with F2.0 aperture, S5K3P3 Samsung sensor;
- Два слота для симкарт;
- Емкость аккумулятора: 3250 мАч, функция быстрой зарядки через беспроводную зарядку 15W;
- Имеет индикатор распознавания лица и сканер отпечатков пальцев;
- Металлический корпус.



Жамол МАТТИЕВ: “КАШФИЁТИМИЗДАН ЎПКА САРАТОНИНИ АНИҚЛАШДА ФОЙДАЛАНДИК”

журналлар (SCI, Scopus, Springer) ва халқаро конференцияларда жами 8та мақола чоп этдим. Бундан ташқари, илмий ишим натижаларини халқаро семинарларда, хусусан, Испания, Венгрия, Словения, Италия ва Польша давлатларида химоя қилдим.

– Сизнингча, Словениянинг қайси ижобий тажрибаларини Ўзбекистонда жорий этиш мумкин?

– Айнан мен дарс берган университетда талабалар формасига ёки давоматига умуман эътибор берилмайди. Олийгоҳ фақат таълим сифатига эътибор қаратади. Уйлашимча, ушбу тажрибани ўзимизда қўллаш мумкин. Кейинги таклифим, бакалавр ва магистрларга камида битта Scopus мақола чоп этишни мажбурий этиб белгилаш даркор. Чунки улар бакалавр пайтидаёқ илмий иш, илмий янгилик нима эканини тушуниб етишса, бу кейинги фаолиятида катта ёрдам бўлади. Мазкур амалиёт Европанинг кўплаб олийгоҳларида аллақачон жорий этилган.

Яна бир муҳим масала, мамлакатимизда илмий фаолият учун битта хорижий мақола чоп этишга 60 соат вақт ажратилган. Ваҳоланки, биз битта мақолани дунё тан олган журналларда чоп этиш учун камида бир йил вақт сарфлаймиз. Шуни инобатга олган ҳолда олий таълим тизимида илмий фаолият учун ажратилган соатлар тақсироти қайта кўриб чиқирилиши ва илмий фаолият билан шуғулланиш учун қўшимча имкониятлар яратилишини хоҳлардим.

– Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз?

– Асосан илмий соҳамдаги янги мақолаларни ўқийман. Бу мен учун жуда муҳим. Чунки бошқа бир олим томонидан яратилган алгоритм ёки моделни қайта яратмаслик учун ҳам замон билан ҳамнафас бўлиш, илмий янгиликларни мунтазам ўқиб бориш зарур.

Ҳозирда илмий раҳбаримдан ташқари яна бир профессор билан ҳамкорлик қиляпман. Бундан асосий мақсад ўз илмий соҳамни янада кенгайтиришдир. Китоб мутолаасига ҳам вақт ажратаман. Охириги марта “Data Mining and Machine Learning” номли китобни ўқидим. Унда машҳур алгоритмлар ва усуллар кенгроқ ёритилган.

– Келажакдаги режаларингиз қандай?

– Ҳозирча PhD дипломини олган, Doctor of Science даражаси учун илмий ишимни давом эттирмоқчиман. Шундан сўнг Европада олган билим ва тажрибаларим асосида суъний интеллект соҳасини ривожлантириш ниятим бор.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди



Приморск университети докторанти Жамол Маттиев билан бўлган суҳбатимиз Словениядаги ҳаёт, илмий иши, таълим борасидаги таклифлари ва бошқа мавзуларда кечди.

– Жамол ака, ахборот технологиялари соҳасини танлашнингизга нима сабаб бўлган?

– Бунга, аввало, оилам сабабчи бўлган. Чунки мен математиклар оиласида туғилганман. Шунингдек, математика ва информатикага бўлган қизиқишим болалгимдаёқ мени математикага ихтисослаштирилган лицей-интернатига етаклаган.

2009–2015 йиллар IBM компанияси ҳомийлигида ўтган дастурлаш бўйича жаҳон олимпиадасида қатнашиб, 2013 йили ярим финалда 2-даражали диплом билан тақдирландим. Бу менинг ахборот технологияларига бўлган қизиқишимни янада оширди. Шундан сўнг инглиз тилини мукамал ўрганишга киришдим. Кейинги йиллар ўқишим ва илмий ишимни Италиядаги Politecnico di Torino университетида давом эттириш бахтига муяссар бўлдим.

Очиги, Италияда олган билим ва тажрибаларим илмий фаолиятимни ривожлантиришда муҳим рол ўйнади. Боиси у ерда Machine Learning va Data Mining соҳаларидаги дунёнинг кучли профессорлари билан кўплаб муҳокамалар орқали илмий ишимга энг тўғри йўналишни танлаб олгандим.

– Докторлик ишингиз қандай муаммо ечимига қаратилган?

– 2017 йил “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати сифатида ўз илмий ишимни Словения давлатининг Приморск университетида давом эттиришга муваффақ бўлдим.

Маълумот учун айтиб ўтишим керакки, жамғарма докторантурадаги ўқишим учун барча харажатларни: ўқиш учун тўлов (tuition fee), стипендия (scholarship), йўл харажатлари (travel expenses) ва бошқаларни қўлаб берди.

Приморск университетини танлашимга эса аввал ҳам Erasmus+лойиҳаларида Урганч давлат университети ҳамда Приморск университети ўртасида ҳамкорлик мавжудлиги, кўплаб лойиҳаларда бирга ишлаганимиз сабаб бўлди.

Словенияда докторантурада таълим олиш талаблари бошқа ривожланган давлатлардагидек юқори. Мамлакатда бир йил давомида фақат PhD босқичидаги чуқурлаштирилган, аниқроғи 8та фан бўйича таҳсил олдим. Битта фанни Италия давлатида (PhD талабалари учун ташкиллаштирилган ўқув тренингда) ўқидим ва ўртача 92,5 фоиз

билан аъло (excellent) баҳога тугатдим.

2017 йил январ ойида биринчи илмий семинаримни ўтказгач факултетимиз декани менга университетнинг ўзидан ишлагани, яъни халқаро талабаларга илмий соҳамга алоқадор фанларни ўқитишни таклиф этди. Шу тариқа уларга дарс бера бошладим. Словениядаги ишим, ўқишим ва шахсий ҳаётим жуда ҳам яхши, одамлари самимий, кўчалари озода, тинч эди. Муҳими, мен Европада ўз илмий соҳам учун зарур тўрт йиллик иш тажрибасига эга бўлдим.

Илмий ишимга тўхталадиган бўлсам, докторлик ишим мавзуси “Clustering class association rules to form a meaningful and accurate classifie”, яъни класс умумлашган қоидаларни клас-терлаш орқали аниқ ва компакт модел яратишдан иборат. Асосий мақсади: дунё миқёсида кенг формаллашган соҳалар учун моделлар яратиш ва унинг ёрдамида вақт сарфини камайтириш, аниқлиқни ва даромад-ни оширишдир.

Масалан, яратган моделимиздан тиббиёт соҳасида ўпка саратонини (breast cancer) аниқлашда фойдаландик ва юқори натижа олдик. Бундан ташқари, моделимизни қишлоқ хўжалиги соҳасида эбалон ўсимлиги ёшини аниқлашда қўлладик ва бу ҳам самарали бўлди.

Шунингдек, илмий ишим давомида мен дунё тан олган

“Очиги, Италияда олган билим ва тажрибаларим илмий фаолиятимни ривожлантиришда муҳим рол ўйнади. Боиси у ерда Machine Learning va Data Mining соҳаларидаги дунёнинг кучли профессорлари билан кўплаб муҳокамалар орқали илмий ишимга энг тўғри йўналишни танлаб олгандим.”

8 | ПРЕСС-ТУР

Журналист доимо одамлар орасида, демакки, ҳаётнинг ичида юради, умри давомида қанчадан-қанча инсонлар билан суҳбатлашади.



ЖУРНАЛИСТ ВА ҲАЁТ

Навоий-Қоракўл ихтисослаштирилган мактаби фаолиятини кўздан кечирдик. Пойтахт шароитидан қолишмайдиган мактабга очиги ҳавасимиз келди. Математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган 360 ўринли мазкур мактаб-интернати жорий ўқув йилидан иш бошлади. Унга ўқувчиларни саралаб олиш жараёнлари 5 босқичда амалга оширилибди. Дарс ўтаётган болаларни озроқ чалғитдик. Савол бердим...

Навоийда икки кун
Журналист қувонтирадиган нарсани кўрганида қувонмаса, ҳаяжонланмаса, дардли ҳолатларни кўрганида кўзига ёш келмаса, унинг ёзгани ҳам сохта ва жўн бўлиб қолади. Журналистдан талаб қилинадигани ягона – ҳолислик.

Баъзида ижтимоий тармоқларда бир инсоннинг шикоятли чиқишларини кузатиб, раҳимимиз келади. Уни шу кўйларга солганлардан нафратланамиз. Аммо журналист танганинг иккинчи томони борлигини ҳам унутмаслиги керак. Чунки икки томон эшитилгачина муаммога ечим топилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан “Журналист ва ҳаёт” лойиҳаси доирасида ҳудудларда амалга оширилаётган пресс-тур тадбирлари муаммолар гирдобидида қолиб кетган журналистни бироз чалғитади, Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ҳақида ҳам ўйлаш, кузатиш имконини беради. Айтишади-ку “Юрган дарё, ўтирган бўйра” деб. Бундай пресс-турларда сизни кутиб оладиган ҳудуд ўз муаммолари эмас, албатта, ютуқлари билан пешвоз чиқади. Ва ўша ютуқларни кўрсатиш қай бир маънода келгусидаги эзгу амалларга мотивация бериши шубҳасиз.

“Baht-Textile”нинг шовқинли ҳаёти

Ҳеч қайси шахарга ўхшамайдиган Навоийда ростдан ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Шу билан бирга, саноатлашган шахар эмасми, аҳолининг иш билан таъминланганлик статистикаси бошқа ҳудудларга қараганда қониқарли.

Ташрифни “Baht-Textile” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишишдан бошладик. Мазкур корхонанинг ташкил топганига ўн йилдан ошган, бугунги кунда вилоятдаги пахтачилик бўйича йирик кластер субъекти саналади. 1300 нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият олиб бораётган корхонада Швейцариянинг энгил саноат дастгоҳлари ишлаб чиқарувчи “RIETER” компаниясининг ип йигирув мосламалари ўрнатилган бўлиб, ўтган йили жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 27000 тонна калава илга етказилди. Корхона вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 70 фоизини қайта ишлаб, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот кўринишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда жамиятнинг устав жамғармаси 10.007.554 АҚШ долларини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишар эканмиз, ишчи-ҳодимлар билан мулоқот вақтида яратилган қулайликларни

кўздан кечирдик. Ташқарида совуқ, изғирин, аммо ичкарида 30 даража иссиқ, яъни дастгоҳлар мана шундай ҳаво ҳарорати бўлмаса ишламайди. Ишчиларнинг жуда энгил кийимда ишлаётгани “ташқарида қор, унинг уйида баҳор” деган кайфиятни уйғотади.

Шу ўринда бу ерда яратилган шарт-шароитларнинг яхшилиги – иссиқ овқат, махсус кийим-бош, кийиниш ва ювиниш хоналари билан бирга эътибор берадиган жиҳатларини ҳам айтиб ўтсам. Мақоланинг бошида бежизга ҳолислик ҳақида эслатмадим. Корхона ичи ҳаддан ортиқ шовқин эканлиги боис бирор инсоннинг гапини эшитиб бўлмайди.

Маълумки, тўқувчилик корхоналарида шовқин 80 дБдан 110 дБ.гача етади. Агар иш жойидаги шовқин 80 дБдан ошса, бу инсон соғлиғи, яъни марказий нерв тизими учун зарар. Шовқин 100 дБдан ошса, бутунлай қар бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қолаверса, йигирилаётган маҳсулотлардан чиқаётган чанг зарралари ўпкага жойлашади, яъни “бисиноз” касаллиги келиб чиқиши мумкинлигини ҳам унутмайлик. Аннан мана шу икки ҳолат учун ишчилар респиратор ва қулоқчинлар билан таъминланиши лозим эди. Компания раҳбарлари ишчилар соғлиғи билан боғлиқ ушбу ҳолатга ҳам эътибор беради, деган умиддамиз.

Албатта, бу ердаги шарт-шароитлардан ташқари ишчиларнинг маоши ҳар биримиз учун қизиқ эди. Бизни иш жараёни билан таништирган механик йигит ишчилар ойлигини 1 млндан 2 ярим миллионгача эканлигини айтиб ўтди. Исмини айтишни хоҳламаган шовқинли ва дим шароитда ишлаётган аёлнинг 950 минг маош олишини, “Ойлигимиз кўтарилса қани эди” деган нолишини эмас, истиҳола билан айтилган таклифни аранг эшитдим.

Саккиз соатлик ҳаддан ортиқ иссиқ ва шовқинли шароитда ишлайдиган ишчиларга ҳатто 2 миллион ҳам камдек туюлди. Агар юқорида келтирилган мана бу каттагина рақам, яъни – устав жамғармаси 10.007.554 АҚШ дол-

ларини ташкил қилиши, албатта, мана шу ишчиларнинг меҳнатлари эвазига эканлигини унутмасак бўлди.

Очиги замонавий технологиялар, станокни компютерда бошқараётган ишчилар – барча-барчаси бугунги Ўзбекистон имижига мос, кўрган кўзни қувнатади. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги, шукр қилаётгани ҳам бор гап, фақатгина битта лекин – янги Ўзбекистоннинг янги имижига эски стандартдаги озгина маош – бир миллионга етар-етмас ойлик тўғри келмайди.

Интернетга кирмайдиган болалар

Навоий фақатгина саноатлашган ҳудуд эмас, балки таълим тизимида ҳам қатор ижобий натижалар кўлга киритгани, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “РЕЙТИНГ-2019” натижалари бўйича Давлат тест маркази таҳлиллари асосида олий таълимга кириш кўрсаткичлари бўйича вилоят республикада 2-ўрин, Навоий шаҳри эса 1-ўринни эгаллагани эътиборлидир.

Биз шахардаги Навоий-Қоракўл ихтисослаштирилган мактаби фаолиятини кўздан кечирдик. Пойтахт шароитидан қолишмайдиган мактабга очиги ҳавасимиз келди. Математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган 360 ўринли мазкур мактаб-интернати жорий ўқув йилидан иш бошлади. Унга ўқувчиларни саралаб олиш жараёнлари 5 босқичда амалга оширилибди. Дарс ўтаётган болаларни озроқ чалғитдик. Савол бердим: “Математика масалаларига жавоб излаш кўп вақтни олади. Интернет яхши ишлайдиган ушбу муассасада қайси тармоқларга кирасизлар?”. Бу саволни беришдан мақсад ҳозир интернетга кирмайдиган ёшларни топиш муаммолиги эди, аммо бораканда интернетга кирмайдиган болалар. Улар ўқишдан чалғимаслиги учун телефон тутмас экан. “Бизнинг вақтимиз йўқ, интернетга киргани” – деди болалар. – “Бу ерда ўқувчиларнинг ўзлаштирилмаслиги уят ҳисобланади. Ҳамма бир-бирдан қолиб кетмаслик учун ҳаракат қилади”.



Навоий шахрида янги қурилаётган уйлар



"Baht-Textile" масъуляти чекланган жамияти пахта титиш цехи иш жараёни



Навоҳор "Қасаба чеварлари" МЧЖ қизлари

Газета-журнал ўқимайдиган болалар

Тан олиш керак, ўтган йилги обуна машмасасидан кейин таълим муассасалари кўпгина газета-журналларга обуна бўлмай қўйди. Шу боис мен гаплашган болаларнинг бирортаси "Гулхан", "Тонг юлдузи" ва шунга ўхшаш газета-журналларни ўқимас экан. Аммо кувонтирадиган томони – ҳар бир синф хонасида китоб жавони ва бадий китобларнинг саралари борлиги бўлди.

Мен яна савол бердим: "Бўлғуси иқтисодчи, математик бадий адабиёт ўқиши шартми?". Болалар бараварига қўл кўтаришди ва шарт дейишди. Буни Ҳумоюн исмли ўқувчи шундай изоҳлади: "Биз бу ерда нафақат математика, балки инглиз тилидан ҳам сабоқ оламиз. Энди айтинг-чи, бирор жойга ишга борсак, ўз фикримизни чиройли қилиб етказмасак ва хато билан ёзсак, уят бўлмайdimи?! Тил қоидаларини билмасак, имло хатолари билан ёзсак, нутқимиз равон бўлмас, бизнинг математикани олий даражада билишимиз келажакда иш бермаслиги мумкин. Математика билан адабиёт уйғун. Табиий фанлар бизга ҳисоб китобли яшашни ўргатса, адабиёт ҳаётдан сабоқ беради".

Саккиз миллион оладиган ўқитувчи

Қорақўл мактабига ўқитувчилар ҳам танлаб олинишининг ўзи бир ютуқ. Улар орасида сараланган ўқитувчининг бўлиши эса ха-

зина. Зафар Жумаев Грецияда фан олимпиадасида бронза медални қўлга киритган эди бир вақтлар. Айни пайтда Зафаржон сабоқ беришини истайдиганлар кўплиги боис унинг дарс соатлари ҳам бошқаларникидан кўпроқ. Ва меҳнатига яраша ҳақ олади. Айтиб ўтиш керакки, бу мактабда ўқувчилар ўқитувчисининг дарсидан қониқмаса, бемалол бошқа устозни танлаи олиш ҳуқуқига ҳам эгалар.

– Зафарга ўхшаган билимли, масъулятли ўқитувчиларга шароит яратиб берсангиз, барча имконларини ишга сола биладилар, – дейди мактаб директори Нурулло Яҳёев. – Бу мактаб ютуқларининг яна бир сири Бухородаги ўзим ишлаган Қорақўл мактаби ташкил қилинганига 30 йил бўлган бўлса, на ўқитувчи, на ўқувчилар бирон марта пахта теримига жалб қилинмаган.

Тошларга жон киргизаётган одамлар

Иккинчи куни пресс-туримиз Янги Ўзбекистоннинг янги шаҳри – Фозгонда давом этди. Фозгон шаҳри Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифи билан расман 2019 йил 3 май куни ташкил топган. Майдони 59,4 минг гектар, аҳолиси эса 8,4 минг кишидан иборат. Ушбу ҳудуд Марказий Осиёдаги пардозбоп тошлар, хусусан, гранит ва мрамар йирик захираларига эга энг бой ҳудуд саналади.

Ҳозирги кунда "Мрамаробод" кластер корхонасига тегишли 2та карерда янги ускуналарда

гранит тошларни замонавий усулларда қазииш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда корхонада 400 нафар маҳаллий ёшлар уч сменада ишлашади. Мазкур кластернинг умумий қиймати 52 миллион доллар бўлиб, 14та лойиҳа амалиётга татбиқ этилади. Натижада конлардаги ишчилар билан бирга 850та янги иш ўрини яратилади. Ўтган қисқа давр ичида корхона ҳудудидаги майдони 11000 кв.м. бўлган асосий бино ва яна 10та кичик лойиҳа бинолари қурилиши якунланди. Банкнинг 4 миллион долларлик имтиёзли маблағлари ҳисобига Хитой давлатидан замонавий ускуналар келтирилди. Шунингдек, Хитойдан 4 нафар малялаки муҳандис-мутахассислар жалб этилиб, улар томонидан янги ускуналар монтаж қилинди ҳамда маҳаллий ёшлар унда ишлашга ўргатилди.

Корхона раҳбари Маҳмуд Шарофатовнинг таъкидлашича, йилига 70 минг куб тош қазиб олиш ва 1,2 миллион метр квадрат тошни қайта ишлаш қувватига эга корхона томонидан замонавий усулларда Пашот, Парфат карерларидан гранит тошларни қазииш ишлари олиб борилмоқда.

Бу ерда биз илк ташриф буюрганимиз "Baht-Textile" корхонасидан фарқли ўлароқ жуда совуқ эканлигига амин бўлдик. Иштишининг ҳам имкони йўқ. Сабаби мрамар тошларни кесишда ва пардозлашда совуқ сувдан фойдаланишади. Аммо ишчилар бошдан оёқ сув ўтказмайдиган либослар билан таъминланган. Совақотишанида иссиқ чой ичишлари, овақтланишлари учун иссиққина ошхона бор.

Янги ишчи маҳалладан ортмайди

Яна бир танишган корхонамиз Навоҳор тумани "Қалқонота" маҳалласида ташкил этилган "Навоҳор қасаба чеварлари" МЧЖ фаолияти бўлди. Мазкур замонавий тикувчилик фабрикасида 100 нафардан зиёд хотин-қизлар фаолият юритмоқда. Яна бўш ишчи ўринларига яқин ўртадаги маҳаллалардан хотин-қизларни рўйхатга қўйишмоқда экан.

"Аёлларнинг қатнаши учун транспорт хизмати йўлга қўйилгани", деган саволга корхона технологи Зарифа Бозорова шундай жавоб берди: "Барча ишчиларни шу атрофдан таклиф қилганмиз, сабаби автобус ўрнига

икки оилани иш билан таъминлаймиз".

Зарифахоннинг маълумоти-га кўра, бу ерга ишга келадиган аёллар 3 ойлик ўқув курсларидан малака оширар ва бу давр учун ҳатто стипендия ҳам тўланар экан. Барча янги ташкил қилинаётган корхоналар каби бу ерда ҳам иссиқ овақат ва бошқа шарт-шароитлар мавжуд. Аёллар тушликка ва йўл кирасига пул кетмаётганидан бир миллиондан ошикроқ ойлик тўлигича уйга кириб бораётганидан хурсанд. Аммо мен холис инсон сифатида яна ўша гапни такрорлайман: юқорида ёзганимиз Фозгон "Мрамаробод" кластер корхонаси ҳамда "Навоҳор қасаба чеварлари" ойлиги 3 миллионгача етказилса, матбуот котиби Дилшод Мамаражабов айтганидек, навоийлик ёшлар шунча иш ўринлари яратилаётганига қарамай хорижга интилмайдилар.

Пресс-турдан олган таассуротларимиз талайгина. Навоий шаҳридаги Амир Темура ва Фалаба кўчалари чорраҳасида пидедалар учун қурилган ғайриоддий лабиринтмонанд уч айланма ҳаракатли – зинадан ташқари, кексалар ва 1та юк кўтаргиш имкониятига эга бўлган одамлар учун пандусли ва лифтли кўприк, "Шухрат" медали, "Эл-юрт" орденни мукофоти соҳиби, тоштарошларнинг бешинчи вакили сантагрош ота Тоҳир Раҳимов, сариққа бўялган арзон таксилар, йўловчилари ва ҳайдовчилари ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, ҳақиқий мўъжиза "Навоий-Сити", "снос" муаммосининг йўқлиги, Нурота туманида "Чашма" мезморий мажмуасида олиб борилаётган бекиёс бунёдкорлик жараёнлари, ҳар жума куни қўринадиган тилла балиқлар, навоийлик фаол журналистларга уюшма томонидан топширилган эсдалик совғалари, вилоят ҳокими Қобилжон Турсунов билан вокзалда ўтган қисқа матбуот анжумани ҳақида ҳам тўхталишим мумкин эди. Лекин буларнинг барчаси алоҳида-алоҳида мақола бўлишга арзийдиган мавзулар. Айниқса, Самарқанд вокзалида энг кичик соннинг 6 минг сўм экани, биргина бекатда сотишга рухсат берилгани учун монополиялашгани ҳақида ҳам қачондир, албатта, ёзаман.

Барно СУЛТОНОВА,
"Xabar" мухбири

“Сафаримиз Янги Ўзбекистоннинг янги шаҳри – Фозгонда давом этди. Фозгон шаҳри Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан расман 2019 йил 3 май куни ташкил топган. Майдони 59,4 минг гектар, аҳолиси эса 8,4 минг кишидан иборат. Ушбу ҳудуд Марказий Осиёдаги пардозбоп тошлар, хусусан, гранит, ва мрамар захираларига эга энг бой ҳудуд саналади.”



"Мрамаробод" кластер корхонасида мрамарга ишлов бериш жараёни

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИРМАНГ!

Ёки дангасалиқдан халос бўлишнинг самарали йўллари ҳақида

"Бугунги ишни эртага қолдирма", "Қолган ишга қор ёғар"... каби мақолларни деярли ҳаммамиз биламиз. Нима мақсадда айтилганидан ҳам хабардормиз. Аммо "Буни кейинроқ бажарарман", "Эртага қилсам-чи? Ё индинга қолдираймикан?.." деган гапларни ҳам кўп ишлатамиз? Хўш, бу нимадан далолат? Албатта, оддий дангасалиқдан.

Биз сизни бахтли қилмоқчимиз – дангасалиқдан қўтилишга ёрдам берадиган сирни топдик, демоқда мутахассислар. Бироқ, уларнинг айтишича, бу йўналишдаги дастлабки қадамлар осон бўлмайди ва натижа узоқ вақт давомида аниқланади. Демак, бугун дангасалиққа қарши курашнинг энг самарали усулларини таҳлил қиламиз. Аввало, келинг, дангасалиқ нима эканлигини, қандай пайдо бўлишини ва унга қарши доим курашиш зарурлигини билиб олайлик. Тайёрмисиз? Унда ҳозирроқ бошлаймиз.

ДАНГАСАЛИҚ НИМА?

Одатда, "дангасалиқ" тушунчаси инфонда муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш учун мотивация етишмаслигини англатади. Ҳозирда ёки яқин келажакда қандай ҳаракатларни амалга ошириш кераклигини яхши англаган ҳолда, одам бу ишдан астойдил қочади ёки уни бошқа нарса билан алмаштиради. Ҳатто келгуси вазифаларни бажариш муқаррарлигини англаб турган ҳолда ҳам у аҳамиятсиз ишларга ва ноўрин (масалан, сериаллар томоша қилиш ёки ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш каби) уйин-кулгига вақт ажратишда давом этади. Бир сўз билан айтганда, дангасалиқ – ҳозирги вақтда зарур бўлган фаол ҳаракатлардан қочиш, психиканинг ўзига хос мудофаа реакцияси, танлов эркинлиги учун онг ости истаги. Унинг ёрдамида ўзимизни бизга маъносиз ва мажбурий туюладиган ҳаракатлардан "ҳимоя қиламиз".

Дангасалиқдан халос бўлиш қийин, чунки бизнинг онгимиз ақл-идрок билан эмас, балки бирламчи инстинктлар ва ҳиссиётлар билан бошқарилади. Ва биз баъзи ҳаракатларни мажбурий деб билишимиз биланоқ (ма-

салан, "Мен пулга муҳтож бўлганим учун буни қилишим керак"), биз бу ихтиёрий фаолият эмаслигига ўзимизни ишонтираемиз. Ва онг ости ғам-хўрлик автоматик равишда бизни дангасалиқ орқали ҳимоя қилишга интилади.

МАРҲАМАТ, ЕТТИ УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИҒ

Умуман олганда, дангасалиққа қарши курашнинг барча усуллари анча универсал бўлиб, муаммоларни енгишимизда кўпчилигимизга мос келади. Бироқ ҳар бир инсон алоҳида шахс ва баъзи усуллар айримларда бошқаларга қараганда самаралироқ бўлиши мумкин. Дангасалиқ билан курашнинг энг мақбул усулини аниқлаб олишингиз учун қуйидаги тавсияларни ўзингизда синаб кўришингиз керак.

ЭРТА УЙҒОНИҒ

Кўпчилик учун бу мураккаб синовдек кўринади. Аммо бу фойдали одатни амалга ошириш унча қийин эмас. Эрта ётишга ва будилникни маълум бир вақтга тўғрилаб қўйишга уриниб кўринг. Тонгда эса будилник кўнгириги чалиниши билан дарҳол ўрнингиздан туринг ва ҳаракатни бошланг, эрталабки юмушларингизни бажаришга киришинг. Уйку камидан 7-8 соат бўлиши учун эрта ётишга одатланг. Шунда уйғонингиз осон бўлади.

Хўш, бу дангасалиқдан қўтилишга қандай ёрдам беради? Аввало, эрта тонгдан режалаштирилган вазифаларингизни бажаришга улгура-сиз. Куннинг биринчи ярмида баъзи вазифалар бажарилганда, қолганини куннинг охиригача амалга ошириш барча юмуш кечқурунга қолдирилганидан кўра осонроқ бўлади. Бундан ташқари, эрта уйғониш иш жадвалини меъёрлаштиришга ёрдам беради, сиз етарлича уйкуга тўя бошласиз ва жисмонан янада кучга тўласиз.

ИЛҲОМЛАНИШНИ ЎРГАНИҒ

Яхши мотивация дангасалиқдан буткул қўтилишга ёрдам беради. Тезкор натижа учун эса Ицхак Пинтосевич томонидан тақлиф этилган аjoyиб услуб бор. Уни амалда қўллашни ҳозирроқ бошлашингиз ва натижани 5 дақиқада олишингиз мумкин. Бу услуб контрастга (қарама-қаршиликка) асосланган. Қўлай тарзда ўтиринг, кўзингизни юминг ва чалгимасликка ҳаракат қилинг.

Даставвал энг ёмон сценарийни тасаввур қилинг. Агар ишни охирига етказмасангиз, бунинг оқибатлари қандай бўлади? Барча тафсилотларни, шу жумладан, ҳис-туйғуларни бир-бир таҳлил қилишга урининг. Шундан сўнг дарҳол ижобий томонга ўтинг – вазифани муваффақиятли якунлаш билан бошдан кечирадиган қувончни ҳис этинг. Бундай фикрлаш усулининг 2-3 дақиқаси кучли мотивацияни таъминлайди ва деярли ҳар қандай одамга дангасалиқдан халос бўлишга ёрдам беради!

КАЙФИЯТИНГИЗНИ БОШҚАРИҒ

Яхши кайфият – самарали иш учун аjoyиб драйвер. Афсуски, бу асосан ташқи шароитларга боғлиқ. Ҳамма ҳам уни мустақил назорат қила олмайди. Бироқ буни ўрганиш мумкин ва керак. Яхши кайфиятни келтириб чиқарадиган бир қанча омиллар мавжуд.

Биринчидан, ҳаётдаги барча қийинчиликларга бебаҳо тажриба сифатида қаранг. Ҳар қандай вазиятда ижобий томонларни топишга ўрганинг. Аста-секин бу одатга айланади ва кайфиятингизга салбий таъсир кўрсатмайди.

Иккинчидан, иш жойингизни ҳар доим тоза сақлашга ҳаракат қилинг. Нарсаларингиз қилаётган ишингиздан чалғитмаслиги учун уларни тартибга келтиринг. Амалга оширган ишларингиз учун ўзингизни рағбатлантиринг. Севимли му-

кўрсатадики, ҳар бир одам ушбу оддий одатга амал қилиш орқали ўз маҳсулдорлигини ошириши мумкин. Фақат кейинги ҳафта учун устувор вазифалар рўйхатини тузинг ва уни кўринарли жойга қўйинг. Аста-секин бундай рўйхатларни юритишда ўз ёндашувингизни ишлаб чиқасиз.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИҒ

Ижтимоий тармоқларга чалғиган кўп одамлар буни доим "шунчаки беш дақиқа йўқотиш" деб ўйлашади. Аммо бир неча кун давомида Facebook ва вақт ўғирлайдиган бошқа ижтимоий тармоқлардан бутунлай воз кечишга ҳаракат қилинг, шунда самарадорликни кескин оширишга эришасиз. Маълум бўлишича, ижтимоий тармоқларсиз фойдали нарсаларга эътибор қаратиш анча осон экан. Фақат иш вақтида уларни бутунлай рад этинг.

ЖОНИНГИЗНИ КОЙТИҒ

Бу дангасалиқдан тезроқ қўтилишга ва муаммоларни самарали ечишга, барча заиф томонлар ва кўркувларни енгишга имкон берадиган ўз-ўзини рағбатлантиришнинг кучли усули. Моҳиятан жуда оддий: ўз олдингизга ниҳоятда қийин, лекин бажарилиши мумкин бўлган вазифа қўйинг. Ўрни "имконсиз" ишни бажаришга қарор қилишингиз керак. Вазифани уйдalasангиз, ҳаётингиз қандай ўзгариши ҳақида доим ўйлаб кўринг. Энг муҳими, топшириқни белгиланган муддатга бажаришга вақтингиз қолмаса ҳам, таслим бўлманг.

ОДАТИЙ ЮМУШЛАРНИ МАРОҚ БИЛАН БАЖАРИҒ

Қизиқарли ишларни бир неча марта самаралироқ, деярли чарчамасдан бажариш мумкин. Бу қоида ҳар қандай ёшда қўл келади. Масалан, кичкина болалар учун таълим дастурлари ўйин шаклида бериллади. Катталар эса одатдаги ишни қандай қизиқарли қилишни ўйлаб топсалар бўлади. Фақат ўз тасаввурингиздан фойдаланинг. Мисол учун, сиз тозалаш ва бошқа муҳим уй ишларини, айтилайки, шижоат бахш этувчи муסיқа остида бажаришингиз мумкин.



сиқангизни тингланг. Ижобий ва ҳаракатчан одамлар билан кўпроқ мулоқот қилинг. Улкан режаларингизни дўстларингиз билан баҳам кўришга уялманг.

ИШЛАРИНГИЗНИ РЕЖАЛАШТИРИҒ

Режали иш – шахсий самарадорликни оширишнинг муҳим механизми ҳисобланади. Айнан қандай вазифаларни ҳал қилиш кераклигини билиш орқали дангасалиқдан қўтилиш анча осонроқ. Вақтингиз ҳар бир лаҳзада бугун, эртага ва кейинги бир неча кун ҳамда ҳафта ичидан нима қилишни режалаштираётганингиздан хабардор бўлиб туришингиз керак. Ва ҳар доим олдингизда максимал вақт сарфлай оладиган устувор вазифа бўлсин.

Режалаштириш имкониятларини бепарво қолдирманг. Кўплаб тадқиқотлар шуни


ХУЛОСА

Кўриб турганингиздек, дангасалиқдан халос бўлишнинг кўплаб самарали усуллари мавжуд. Шу билан бирга, одатларни тубдан ўзгартириш ёки ёқимсиз нарсалар қилишнинг ҳожати йўқ. Фақат ишга бўлган муносабатингизни бошқаришни ўрганинг. Кичик лойиҳаларни якунлашдаги ёқимли ҳис-туйғуга эргашинг ва тез орада сиз ўзингизни нимага интилаётганини аниқ биладиган муваффақиятли, меҳнатсевар одамдек ҳис қиласиз.

Усмонжон Йўлдошев тайёрлади

Ҳаётимизга интернет, ижтимоий тармоқларнинг кириб келиши электрон оммавий ахборот воситалари имкониятини анча кенгайтирди. Шу боис, мутахассислар бугунги матбуотни огир юк кўтариб кетаётган карвонга ўхшатишмоқда. Газеталар ададини кузатар эканмиз, борган сари пастлаётган рақамларга дуч келяпмиз.

Сўнги пайтларда гўё "Мажбурий обунага қаршимиз" дея жар солиб, зиёлиларни ҳам ушбу даъватга чорлаётганлар, газета ва журналлар ўринини аллақачон интернет эгаллади, деб "ўта замонавий" фикр юритаётганлар ҳам кўп ораимизда. Кўш, улар ҳақиқи? Кучли жамият, маърифатли халқ бўлиб шаклланишимизда интернетнинг ўзи етарлимикин? Кўйида соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашамиз...



Босма матбуот ёки интернет:

ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЙСИЗ?

Газета ўқишнинг зарфи бўлакча...

Хулкар УЗОҚОВА, журналист, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси:

— Шунинг билан айтиш мумкинки, ҳар нарсанинг ўз ўрни, мақсад ва вазибалари бўлганидек, на ахборот сайтлари, на ижтимоий тармоқлар матбуот вазибаларини бажаришга қодир эмас. Бир устоз журналист ўз мулоҳазасида газета-журнални ўқиш ҳақида гапираркан, унинг ҳидини туйган ҳолда мутолаа қилиш кишига нақадар ҳузур бағишлаши, буни газета ва журнални яхши кўра олган инсонгина тушуниши ҳамда дилдан ҳис қилишини айтган. Ҳа, янги чоп этилган газетани varaқлаш ва ҳидини туйган ҳолда ўқиш зарфи ўзгача.

Афсуски, босма матбуотнинг бугунги аҳволи, фаолияти бевосита у билан боғлиқ бўлганлар, жамият зиёлилари, миллат маънавияти ва маърифати учун жон куйдирувчилардан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмай кўйди. Ҳатто, соҳа ривожга йўлида хизмат қилиши керак бўлган айрим масъуллар ҳам техника-технология ривожланган бугунги даврда босма матбуотдан секинлик билан воз кечиш керак, деган иддаони қилишди. Миллат маънавияти тарбиячиси саналган айрим зиёлилар, ўқитувчилар босма нашрлар учун обуна бўлишни маълум билишди.

Бошқа бирлари эса ҳамма нарсани интернет орқали зумда билиб олаётганимиз, ойда бир чиқадиغان журнал ҳафтада бир-иккита чоп этиладиган газеталар "тезкорлик тамойили"га жавоб бермайди, дея осонгина босма нашрлардан юз ўгирмоқда. Натижада, шартли равишда айтганимиз бўлса, босма матбуот билан алоқасиз ўтаётган даврда:

- омма орасида асл манбаси, тарқатувчиси маълум бўлмаган хабарлар ёйилди;

- миллий маънавиятимиз, муқаддас динимизга раҳна солиш ниятида бўлган кучлар очикчасига (асосан, интернет тармоқлари орқали) таҳдид қила бошлади;

- тегишли мутахассислар томонидан асосланмаган, оўрин ва ножоиз фикрлар, хулосалар тезда тарқалиб, аҳоли орасида ваҳима, кўркүв, тушунлик ваби салбий кайфиятни оммалаштирди.

Бу рўйхат узоқ давом этади аслида. Агар омма газета-журнал ўқиганида эди, юқорида келтирилган барча ҳолатларда ҳам асл манбани қидиришни, кимга ва ёки қайси хабар тарқатувчига ишонса бўлишини, муаммо ёки бирор кулфат моҳиятини тушуниб этишни, яқинлар ва таниш-билишларга қуруқ миш-миш эмас, аниқ маълумот ва хабарларни етказишни ўрганган бўлар эди, назаримда.

Босма матбуот ўқитувчилар учун жуда зарур!

Феруза ЭШОНҚУЛОВА, англиз тили ўқитувчиси, Қарши шаҳри:

— Энг ривожланган давлатларга эътибор берсак, аҳолиси тонгни газета ва қаҳва билан кутиб олиб, юртидаги ва хориждаги янгиликлардан бохабар бўлишди. Ҳаттоки, автобус, метро ёки бошқа транспортларда ҳам газета ёки журнал мутолаа қилаётганларни кўп учратамиз. Бизда-чи? Қаёққа қараманг, ёшу кексанинг қўлида шаллоқдай келадиган уяли алоқа воситаси! Ҳамма интернетда. Ваҳимали хабарлар, ёлғон-яшиқ янгиликлар, бемаъни видеороликларга муккасидан кетган... Демак, минг афсуски, интернет имкониятларидан ҳамма ҳам бирдек тўғри фойдаланмаяпти.

Болалигимни эсласам, аввал "Ғунча", кейин "Ёшлик", "Шарқ юлдузи", "Тафаккур" журналларини ўқиб улғайдик. Онам ўқитувчи бўлгани учун таълимга оид газета ва журналлар билан бирга "Ёшлик" ва "Шарқ юлдузи"нинг доимий оубначиси эди. Бизларга "Журналларни йиртиш, буклаш мумкин эмас. Улар ҳам нондай азиз" деб ўргатишарди. Улардаги ҳикоя, шеър, роман ёки қиссаларни ўзгача қизиқиш билан ўқиганман. Айниқса, каттароқ асарларнинг "давоми кейинги сонда" бўлгани боис интиқлик билан кутардим...

Ҳозирги кунда ҳам бир қанча газета ва журналлар доимий ҳамроҳим. Ўқитувчи бўлганим боис босма матбуот, айниқса, биз ўқитувчилар учун жуда зарур, деб ҳисоблайман. Инсоннинг маънан юксалиши, дунёқарашининг кенгайиши, тафаккури тиниқлашиши, ақлий салоҳияти равшанлашиши учун ҳам газета ва журналларнинг аҳамияти беқиёс.

Обуна бўйича тарғибот ишларини кучайтириш лозим

Қамола АБДУВАЛИЕВА, "Миллий тикланиш" партияси Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби:

— Ахборот бозоридан танлаш имконияти кенгаймоқда. Рақобат ҳам авжига чиқаётгани айна ҳақиқат. Бу жараёнда оддий воқеликни бўрттириб, қора пиар қоғозига ўраб, унинг харидорлигини ошираётган олғир ахборот тарқатувчиларнинг қўли баланд келаётгани ҳам тан олиш керак.

Босма матбуотни қўллаб-қувватлаш учун ўтказилаётган ўқув-семинарлари, давра суҳбатларининг ташкил қилинаётгани, қалам аҳлининг бу борада куюниб, мақола ва мулоҳазаларини ОАВ-

ларда баён этиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта. Аммо уларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши энг муҳим масала бўлиб қолаверади. Фикримизча, туман-шаҳар газеталари чоп этилишини бюджетдан молиялаштириш, тахририятларни моддий қўллаб-қувватлаш лозим. Акс ҳолда, тахририятлар бирин-кетин ўз фаолиятларини тўхтатишда давом этади. Аммо яшин тезлигида кечаётган ҳозирги ахборот алмашинови жараёни ҳамда рақобат муҳитида миллий ахборот маконимизни сақлаб қолишимиз ўта муҳим масаладир.

Ўрганишларимизда, 2017-2018 йилларда вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан босма нашрларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилган. Бу асосан обуна ташкил этиш ишларида ўз аксини топган эди. Бироқ уларга охириги йилларда бундай амалий ёрдам кўрсатилмади. 2021 йил учун муассисларимиз "ҳиммат" кўрсатадиларми-йўқми, билмадим?!

Аммо шунинг аниқ таҳмин қилиш мумкинки, муассислар ўз худудларидаги босма нашрларга маблағ ажратмасда, ўзи шундоқ ҳам жар ёқасига келиб қолган газеталар билан видолашишимизга тўғри келади. Бироқ "Қўл билан берганга, қўш тўйма" деган нақл беҳижга айтилганма. "Қиш гамини ёзда е" деганларидек, обуна бўйича тарғибот ишларини ҳозирдан кучайтириш, газеталар аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилиш ҳам зарурдир.

Лекин бош муҳаррирларимизга ҳам айтишимиз бор. Аллақачон давр ҳам, ахборот бозорининг талаби ҳам ўзгарган. Тахририятлар фаолиятини ташкил қилишнинг бошқа механизмларини ишга солиш даври келди. Муштарий сизнинг газетангизга бир йил олдиндан тўлов қилар экан, у албатта ушбу наשרга обуна бўлиб, мутолаа зарфини туюшига ишонинчи керак. Ахир, бугуннинг одамлари газетасига сомса ёки гўш ўраш учунгина обуна бўлишмайди-ку.

Бугун бутун дунё интернет тармоқидан кенг фойдаланади. Уларда босма матбуот ҳам яшамоқда. Бироқ биласизми, нега ривожланган давлатларда ҳалигача босма матбуот ўз долзарблигини йўқотмади, нега интернетга ўз ўринини осонликча бўшатиб бермади?! Балки, биз бу борадаги халқаро тажрибаларни ўрганишимиз ва амалиётда қўллашимиз керакдир?!

Босма матбуотда жуда катта куч бор

Шаҳбоз ЗАРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Монополия қарши курашиш қўмитаси бош мутахассиси:

— Ҳақиқатан, бугун босма матбуотнинг аҳоли долзарб мавзулардан би-

рига айланиб бормоқда. Юртбошимиз ҳам 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кун — умумхалқ байрами арафасидаги нутқларида газета ва журналларнинг бугунги аҳволи, обуна масаласига ҳам тўхталди: "Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчи ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Узингиз биласиз, дунёда компютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу — Япония. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор".

Шундай экан, одамларни газета-журнал ўқишга қайтариш зарур. Интернет ёрдамида хабар ва янгиликларни тез, осон ўқиш имконига эга бўлдик, бунга ҳожат қолмади, дегувчилар хато ўйлашади. У сизнинг фақат ахборотга бўлган кунлик эҳтиёжини қондиради, холос. Тафаккурингизни ўстирмайди, мушоҳада қилишга ундамайди, саводхонликни оширмайди. Босма матбуотда эса ана шундай куч, имконият мавжуд.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, бизда аҳолини газеталарга қизиқтириш, жалб этиш методикаси йўқ, шунингдек, газеталарни обуначилар манзилига етказиб бериш хизмати жуда эски тизимда ишлайди. Шу сабабдан ҳозир кўпчилик смартфонлардан интернетга осонгина кириб, янгиликлардан бохабар бўлишни маъқул кўрмоқда. Бундан ташқари, газета ва журналлар нархи ҳам қimmat бўлиб кетган. Ваҳоланки, матбуот соҳасида, айниқса, матбуот бўйича хизмат кўрсатиш тизимида кўпгина ислох этилиши керак бўлган муаммолар бор.

Яна бир гап. Матбуот дўконларида сотувчилик қиладиганларнинг деярли 85 фоизи газета, журнал ўқимайди. Ўзи сотаётган газеталарнинг савияси қай даражада эканлигини, мижозларни жалб этиш учун реклама қилишни билишмайди. Масалан, АОКА ана шу матбуотчилар, яъни сотувчилар учун бепул малага курслари, семинарлар ташкил этиб, (албатта қай йўсунда республика бўйлаб матбуотчи-сотувчиларни тўплайди, бу уларнинг ўзига ҳавола. Керак бўлса, унга ҳам гоё ўйлаб чиқамиз) замонавий матбуот, хизмат кўрсатиш бўйича янги методларни ўргатиб бориши зарур.

К.АҲМЕДОВА тайёрлади

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА.



● ФАЗО

ХИТОЙ МАРСГА УЧИРГАН ҚУРИЛМА ЯРИМ ЙЎЛНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ — 100 МИЛЛИОН КИЛОМЕТР

Хитойнинг учувчисиз космик аппарати “Тяньвэн-1” Ердан 100 миллион километр узоқлашди. Бу ҳақда Хитой миллий фазовий бошқармаси (CNSA) 15 декабр куни хабар берди.

“Тяньвэн-1” қурилмаси 144 кундан бери (15 декабр) Марс томон ҳаракатланмоқда. “Қизил сайёра” орбитасига етиб борганида Ердан 190 млн. километр олисда бўлади.


Эслатиб ўтамиз, “Тяньвэн-1”га 2020 йилнинг 23 июл куни Ердан старт берилганди. Хитой қурилмаси Марсга 2021 йилнинг феврал ойи ўртала-рида яқинлашиши ва тўртта манёврни амалга ошириши кутилляпти.



● СМАРТФОНЛАР

SAMSUNG GALAXY S21ДА СТИЛУС БЎЛАДИМИ?

Samsung компаниясининг мобил қурилмалар бўлинмаси президенти Тэ Мун Ро 2021 йил январидаги Galaxy S21 тақдироти тафсилотларини очиклади. Унинг сўзларидан кўпдан бери кезиб юрган миш-мишларга ҳам ойдинлик киргандек — гап бу ерда янги флагманда S Pen стилиси бўлиш-бўлмалиги хусусида.



Президентнинг айтишича, Galaxy Note туркумидаги кўпчиликка маъқул опциялар бошқа қурилмаларда ҳам татбиқ этилади. Катта эҳтимол билан у айнан стилиусни назарда тутган. Албатта, бу баёнотдан сўнг беихтиёр компания Note туркумининг ўзидан воз кечишни режалаштирмаётганимкан деган фикр туғилади, чунки бу қурилма асосан S Pen стилиси билан бошқалардан ажралиб туради.

Январдаги тақдиротда ҳаммасини билиб оламиз. Дарвоқе, Ро компания буклама смартфонларини ҳамёнбопроқ қилиш устида изланаётганига ҳам тўхталиб ўтган.

● ИЛОВАЛАР

INSTAGRAM ЯНАДА ЕНГИЛЛАШДИ — АТИГИ 2 МЕГАБАЙТ

Энг оммалашган ижтимоий тармоқлар кучсиз смартфонлар ҳамда интернет тарифлари бирмунча қиммат ривожланаётган бозорлар учун енгиллаштирилган иловаларини ишлаб чиқишган. Масалан, Facebook Lite, Messenger Lite ва Twitter Lite — оддий телефонлар учун ажойиб ечимлар, чунки кам жой эгаллаб, интернетни ҳам камроқ “ейди”.

Facebook компанияси юқоридаги енгил иловалар сафини андроид-смартфонларга мўлжалланган Instagram Lite иловаси билан тўлдирди. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг май ойида Instagram сервисининг енгиллаштирилган иловаси Google Play дўконига йўқолиб қолганди. Кейин маълум қилинишича, компания дастурчилари шу пайтгача тўплаган маълумотлари асосида Instagram Lite иловасини янада енгиллаштириш устида изланишаётган экан.

Мана натижаси, янги Instagram Lite — атиги 2 МБ, асосий иловадаги Reels, Shopping ва IGTV каби функциялар бунда йўқ, янада тезроқ ишлаши учун шундай қилишган.

Ҳозирча Instagram Lite фақат Ҳиндистон учун тақдим этиляпти: бир нечта маҳаллий тиллар — бенгал, гужарат, ҳинд, канада, малаялам, маратхи, панжоб, тамил, телугу кабилар татбиқ этилган.

Ҳиндистон аксарият технология компаниялари учун “полигон” экани ҳеч кимга сир эмас: улкан мамлакат, миллионлаб бой ва камбағаллар, ранг-баранг менталитетлар. Ҳиндистонда янги иловани ҳозиргача 5 миллион марта кўчириб олишган.

Facebook компанияси ҳадемай шу митти ва тезкор иловаси бошқа мамлакатлар учун ҳам очилишини маълум қилган.



● ХАВФСИЗЛИК




АНДРОИД ҚУРИЛМАЛАРДА ХАВФЛИ БЎШЛИҚ АНИҚЛАНДИ

Киберхавфсизлик бўйича мутахассислар Android платформасида ишловчи миллионлаб қурилмаларга зиён етказиш хавфи мавжуд заиф нуқтани топиди. Бу ҳақда Project Zero сайтида хабар берилди.

Экспертлар муаммога юқори хавфлик даражасини беришди. Хабарга кўра, заиф нуқтани Qualcomm Adreno процессорининг драйверига топишган. Фойдаланувчининг қурилма структураси ядро (KGSL) графикасини қўллаш даражасидаги файллар дескриптори билан алоқага киришганда мана шу “бўшлиқ” ҳосил бўлади.

Шунга қарамасдан, мутахассислар, ушбу бўшлиқ орқали қурилмага ҳужум қилиш амалда анча мураккаблигини ҳам таъкидлашмоқда. Qualcomm ушбу хабарларга дарҳол жавоб бериб, патч чиқарган, у келгуси йилнинг январидан фойдаланувчилар учун очилади. Бироқ айрим мутахассислар бу чора етарли эмас дейишмоқда, қурилмаларга ҳужум хавфи сақланиб қолади.

● СИЁСАТ



TELEGRAM ВА “ВКОНТАКТЕ” “ҚОРА РЎХАТ”ГА КИРИТИЛДИ

Еврокомиссия қароқчиликка шароит яратиб, улар ортидан даромад олиши мумкин бўлган ресурсларнинг янги рўйхатини эълон қилди. РЕК ёзишича, унга дастлаб Telegram мессенжери ҳамда “ВКонтакте” ижтимоий тармоғи киритилди.

Рўйхат бир қатор ҳуқуқ эгалари ҳисоботи асосида шакллантирилади. Хусусан, Telegram фойдаланувчилари оммавий каналлар орқали ҳам “контентни ноқонуний айирбошлаш” (музыка, китоблар, филмлар, теледастурлар, янгилик ва хабарлар кабилар) билан шуғулланишяпти. Бундан ташқари, обуначилар қароқчилик контенти мавжуд сайтлардаги ҳаволаларни ҳам ўзаро баҳам кўришмоқда, дейилади Еврокомиссия хулосасида.

“ВКонтакте”га ҳам деярли шу йўсиндаги айбловлар кўйилган.

Қутилмаганда ўзларини “қора рўйхат”да кўрган Telegram ҳамда “ВКонтакте” вакиллари эътирозларини билдира бошлашди. Масалан, Telegram ўз платформасида ҳар қандай зарарли контентга тоқат қилмаслигини ва уларни 24 соат давомида ўчириб ташлаётганини маълум қилган. “ВКонтакте” ҳам қароқчиликка курашда четда турмаганини, ҳуқуқ эгаларининг ҳар қанча эътирозлари бўлса, электрон шаклда қабул қилишини билдирган.

● ҲАВФ

“ҲАВФ”ГА ҲАМДА “ВКОНТАКТЕ” “ҚОРА РЎХАТ”ГА КИРИТИЛДИ

Англиянинг Санбери-Темза шаҳрида яшовчи 16 ёшли Бенжи Фиш кунига 12 соатгача компьютерда ўйнайди. Онаси қарши эмас, аксинча ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга уринади.

Daily Mail

ёзишича, Бенжи компьютер ўйнарига 15 ёшдан, тиззасидан жароҳатланиб, профессионал спортчи бўлишдан



умиди узингидан сўнг қизиқиб қолган. Онасининг айтишича, ўғли баъзида кунига 12 соатгача компьютердан кўз узмайди. Болага ҳақиқат бермаслик учун, онаси унинг ўқишини масофавийга кўчириб берди. Бироқ “форма” сақлаш учун, ўсимир спорт залига боришни ҳам қанда қилмайди.

Бенжи компьютерда шунчаки ўйнайди, десангиз, янглишасиз, у — профессионал, ҳозирда Fortniteнинг дунёдаги энг зўр геймерларидан бири. Бир йил ичида 500 минг фунт стерлинг (666 минг доллар атрофида) ишлаб топди. Йигитчанинг аниқ мақсади бор: ўзини қўллаб-қувватлаган, тўғри тушунган ва меҳрибон онасига уй совға қилиш учун пул йиғяпти.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

АҚШнинг 46-президенти Жо Байден: “АМЕРИКА ҚАЛБИ УЧУН КУРАШДА ДЕМОКРАТИЯ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ”

Нихоят, сайловчилар коллегияси демократчи номзод Жо Байденнинг АҚШ президент сайловидаги ғалабасини расман тасдиқлади. Душанба куни барча штатларда бўлиб ўтган овоз беришлар сайлов натижалари бўйича узоқ давом этган баҳсларга чек қўйди.

Сўнги АҚШ президент сайлови шу йилнинг 3 ноябр куни бўлиб ўтганди. Сайлов ортидан қилинган барча ҳисоб-китоблар худди тахмин қилинганидек чиқди. Жо Байден 306, Доналд Трамп 232та овозни қўлга киритди. Энди уни расман АҚШнинг 46-президенти деб аташ мумкин.

Коллегияда овоз бериш, одатда, расмий процедура, деб кўрилади. Аммо АҚШ Конституциясига кўра, президентликка ким келишини айнан сайловчилар ҳал қилишади.

Жой Байденнинг сайловдаги рақиби, амалдаги президент ва республикачи номзод Доналд Трамп сўнги янгиликни ҳалича шарҳламаган. Душанба куни кундузи қилган твитада эса, яна президент сайловини “ўғирланган” ва “сохталаштирилган”, деб айтган. Бироқ унинг тарафдорлари охиригача курашиш аҳдида қатъий эканликларини баён қилишган.

Сайланган президент Жо Байден америкаликларни сайловдаги зиддиятларни унутишга чақирган. Доналд Трампнинг сайлов натижасини бекор қилишга уринишларини қоралаган. У “Америка қалби учун курашда демократия ғалаба қозонгани”ни айтган.

Энди овоз бериш натижалари Вашингтонга юборилади. 6 январ куни



вице-президент Майк Пенс бошчилигидаги Конгресснинг қўшма мажлисида расмий равишда саналади. Бу Жо Байденнинг 2021 йил 20 январда президент сифатида расман қасамёд қабул қилишига замин яратади – бўлиб ўтадиган инаугурация маросими вақтида у 78 ёшда бўлади: шу тарзда Байден АҚШ тарихидаги энг ёши улуг президентга айланади.

Байденнинг мақсади – Американи бирлаштириш

Жо Байден қарама-қаршиликлар гирдобиди қолган Американи бирлаштиришни мақсад қилган. “Агар менга президентликни ишонсангиз, мен зулматнинг эмас, ёруғликнинг иттифоқчиси бўламан”, – деганди у 20 август куни АҚШ президентлиги

учун Демократик партиядан расман номзод бўлганида. “Барчамиз учун бирлашиш вақти келди”, – дея қўшимча қилганди сиёсатчи ва барча учун, шу жумладан, ўзига овоз бермаган америкаликлар учун ҳам “қаттиқ меҳнат қилиши”ни таъкидлаганди.

Байден миллионлаб янги иш ўринлари яратишни ваъда қилган ва бунинг учун зарур инвестиция Доналд Трамп маъмурияти даврида бадавлат кишилар учун бекор қилинган солиқларни қайта тиклаш эвазига келиши мумкинлигини айтиб ўтган.

АҚШнинг янги сайланган президенти иқлимни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор билан қарамокда. Трамп бир неча марта иқлим ўзгариши инсон фаолияти туфайли рўй беришига шубҳа билдир-

ган бўлса. Байден АҚШни 2050 йилга қадар тўлиқ қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтказмоқчи.

Ташқи сиёсати қандай бўлади?

Байденнинг ташқи сиёсат бўйича қарашлари кўпчиликка маълум. Унинг асосий ваъдаси – АҚШнинг жаҳон майдонидаги муносиб ҳурматини тиклаш. Брюсселлик эксперт Бруно Лете Байден НАТО доирасидаги ҳамкорликка “сен – менга, мен – сенга” призмаси орқали қараган Трампга нисбатан жиддийроқ ёндашишни қайд этади.

Лете Байден АҚШ ва Россия муносабатларини ривожлантириш борасида кўплаб кўнгилсизликларни бошдан кечирганини эслатиб ўтган. У вице-президент бўлганида, ўша вақтдаги давлат котиби Хиллари Клинтон Россия ТИВ раҳбари Сергей Лавров билан бирга 2009 йилда Москва билан муносабатларнинг янги босқичи сифатида “қайта бошлаш” тутмасини босишганди. “Байден Россияга дўстлик қўлини чўзиш борасида қилинган ҳаракатлар қандай зое кетганига яқиндан гувоҳ бўлган”, – дея қўшимча қилади эксперт.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатнинг амалдаги президенти Доналд Трамп эса кетма-кет икки муддат президентликка сайлангани сабаб кейинги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Чунки АҚШ қонунчилигида кўра, белгиланган талабларга мос келувчи ҳар бир фуқаро икки марта мамлакат президенти лавозимига сайланиши мумкин.



НИДЕРЛАНДИЯ ЯЛПИ КАРАНТИНГА КИРДИ

Нидерландия ҳукумати 2021 йилнинг 19 январига қадар умуммиллий карантин жорий этишга қарор қилди. Чеклов 15 декабрга ўтар кечасидан кучга кирди.

Карантин чекловларига кўра, мамлакатдаги барча дўконлар ёпилди (кундалик эҳтиёж учун энг муҳим маҳсулотлар соҳиларидаги нарсалардан ташқари), барча мактаблар чоршанбадан онлайнга ўтказилди. Фуқароларга уйда қолиш ва меҳмон чақирмаслик тавсия этилган.

Командантлик соатини жорий этишни ҳам муҳокама қилишган, кейинчалик бу қарордан воз кечишган.

Нидерландияда ўтган душанба куни коронавирусни юқтириш бўйича 8 496та янги ҳолат қайд этилди. Пандемия бошланганидан буён мамлакатда 621 минг нафардан ортиқ инсон ковидга чалинган, беморларнинг 10 минг нафардан зиёди вафот этган.

ИРОҚДАГИ ФАЛАСТИНЛИКЛАРГА ЕНГИЛЛИК БЕРИЛДИ

Ироқ парламенти фаластинлик қочқинларга енгиллик беришни кўзда тутувчи тузатишни маъқуллади, дея хабар бермоқда The New Arab нашри.


Энди Ироқ худудидида ўн йилдан зиёд яшаган фаластинлик қочқин шу мамлакат фуқароси каби ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади. Бироқ фаластинликларга Ироқ фуқаролиги, шунингдек, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилмайди.

Ироқда 2018 йилда фаластинлик қочқинларга нисбатан қатъий чоралар қўлланган эди. Жумладан, улардан ойлик озиқ-овқат карточаси олиб қўйилди, оқибатда кўплаб оилалар қашшоқликка маҳкум бўлди. Бундан ташқари, фаластинликлар тиббий хизматлар учун каттагина ҳақ тўлашларига тўғри келди.



ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ ХАЛҚДАН УЗР СЎРАДИ

Ҳукумат аввалроқ мамлакат аҳолисини касалликка чалинишнинг олдини олиш мақсадида турли тадбир ва зиёфатлар ўтказмасликка чақирганди.



боғлиқ вазият ноябр бошларида ёмонлаша бошлади. Касаллик юқтирганлар сони 185,4 мингдан ошди, 2,4 мингдан ортиқ киши вафот этган.

Япония бош вазири Ёсихидэ Суга 14 декабр куни саккиз киши иштирокидаги зиёфатда қатнашганлиги учун халқдан узр сўради. “Иштирокчилар орасида етарлича масофа сақланган бўлса-да, бу воқеа аҳоли орасида тушунмовчиликларга сабаб бўлгани учун чуқур таассуфдаман”, – деди Суга коронавирус пандемияси шароитида шундай тадбирларга ўрин борми, деган саволга жавобан.

Kyodo агентлигининг ёзишича, ҳукумат аввалроқ мамлакат аҳолисини касалликка чалинишнинг олдини олиш мақсадида турли тадбир ва зиёфатлар ўтказмасликка чақирганди.

Японияда коронавирус тарқалиши билан

Саҳифани У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

АЛВОН АТИРГУ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

– Одамлар, одамлар... Одамлар билан нима ишинг бор? Оила бизникими? Сендан ажрашишни истамайман. Бошқа фарзанд кўриш ё кўрмаслигимиз фақат Яратганнинг қўлида. Агар яна фарзанд кўрсак, нур устига аъло нур. Кўрмасак, демак, бу ҳам пешона... Аввал баланд оҳангда гап бошлаган Ражаб, кейин ўз сўзларидан таскин излагандек жимиб қолди. – Мен доимгидек киракашлик қиламан, сен ишлайсан. Худо хоҳласа, ҳаммиси ўз ўрнига тушиб кетади...

Назокат индамади. “Қайнонамга ёкиш учун нималар қилмадим? Аммо барибир кўнгилларида менга нисбатан меҳр уйғотолмадим. Эҳтимол, алоҳида яшасак ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетар...” ўйлади у ичида. Аммо жувон ҳали уни олдинда нималар кутаётганини билмасди.

Кўчиб кетаётганларида қайнонаси Назокатнинг сепида келган иккита катта гиламини, чиройли чинни сервизларини, ўзи келинига деб қилган кўрпа-тўшакларини, Ражабнинг кийимларини бермади. “Агар ўғлимга кийим керак бўлса, шу ерга келиб кийинади. Кийимлари кир бўлса, шу ерга келиб алмаштириб кетади. Ўзим ювиб бераман”, – деди безариб.

Назокат юраги ғазаб ўтида қоврулаётган бўлса-да, қайнонаси билан гап талашининг оқибати нима бўлишини билгани учун индамай қўя қолди. Чунки ҳозир Розия опага нимадир деб эътироз билдириш оловга бензин севиш билан баробар эди. Қолаверса, Назокатга Тошкентдаги шифокорлар ортиқча асабийлашиш унинг соғлиғига жиддий зарар етказишини, ўсимта катталашса, ҳомилдор бўлиш имконияти кайишиши тушунтирганди.

Шаҳар четда жойлашган кўп қаватли уйдаги 2 хонали квартирадун кўним топган ёш силанинг оёсийишта ҳаёти кўпга чўзилмади. Розия опа ҳар куни бир бахона топиб, ўғлини чақиртириб олар, гоҳ умуман қайтиб юбормасди ҳам. Назокат кўпича Расулжон билан ёлғиз қолиб кетарди. Гоҳ қайнона қандайдир тўхмат гапларни топиб келиб, келини билан жанжаллашишдан зерикмас-

ди. Охири пайтларда Ражаб ҳам қандайдир ўзгариб қолган, ҳаммасидан чарчаб, асабий ва ўйчан аҳволда юрарди. Йигит икки ўт орасида қолган, онасининг нотўғри қилиқларини кўриб турса-да, қаттиқ гапиролмас, бу ерда Назокатнинг изтироб чекаётганини кўриб, баттар эзиларди.

Куз фаслининг бошида Расулжон биринчи синфга борадиган бўлди. Уни мактабга олиб бориб келиш Ражабнинг зиммасида эди.

Расулжон мактабдан кейин бувисининг уйига борар, бобоси билан турли ўйинлар ўйнаб, кеч соат бешларда уйга қайтарди. Розия опа жажоки набирасига онасини ёмонлашдан чарчамасди. Расулжон бола эмасми, ҳар куни бу гапларни онасига айтиб берарди.

– Ойижон, бувим сизни жодугар дедилар. – Ойижон, сиз менга укача ёки сингилча олиб келолмас экансиз. Бувим сизни “туғмас хотин” деб айтдилар.

– Ойижон, сиз дадамни “иссиқ совуқ” қилганмишсиз. Нима дегани у?

– Ойижон, бувим дадам билан сизни ажратиб, Раҳима опамни келин қиларканлар. Кейин у менга ойи бўларкан. Мен “Иўқ, ўзимни ойим яхши”, – дедим.

Охири ҳаммаси Назокатнинг жонига теғди. Қайнонаси билан иккаласининг ўртасидаги можазолардан чарчади. Ўғли ҳар куни олиб келаётган гаплардан безиб, эридан Расулжонни бувисининг олдига олиб бормаслигини талаб қилди. Аммо Ражаб бундай қилишни хоҳламади.

– Онам гапиравердилар, нима бу янгликми? Шу майда-чуйда гапларни деб онам набирасини кўрмасинми, энди? Ўзи биттагина набира бўлса... Мен оиламни деб сизлар билан яшайман-ку. Яна нима дейсан? Бу гапларга эътибор берма, – деди у қизишиб.

– Қандай эътибор бермайман? Онангиз бизни қачон тинч кўядилар ўзи? У киши ўғлимни менга қарши қилиб тарбияляптилар. Назокатнинг жаҳли чиқиб, умрида биринчи бор қайнонадан норози бўлди. – Алоҳида яшаймизми, бизни тинч қўйсинлар.

Хуллас, шу куни эр-хотиннинг ўртасидан ола-



(Хикоя)

мушук ўтди. Тўққиз йил бирга яшаб улар бундай жиддий уришишмаган эди. Чунки Назокат кўп ҳолларда вазминлик қилиб, қайнонасининг кўп қилиқларини кўрмаганга, билмаганга оларди. Энди йиллар давомида юрагида йиғилган нафрат унинг чидамини емиргач, эрига қайнонаси ҳақидаги барча фикрларини тўкиб солди. Қайнонасини аслида гийбатчи ва жижизакчилигини, ўзига нисбатан ҳеч қачон меҳр кўрсатмаганлигини айтди. Эр-хотиннинг айтишуви Назокатнинг нафраси ейиши ва Ражабнинг ижара уйдан кетиб қолиши билан яқунланди.

Назокат эри билан ажрашмаса, қайнонаси уларга барибир кун бормаслигини англаган эди. Шу сабаб ўзи ажрашиш учун судга ариза берди. Бундан хабар топган Ражабнинг фиғони фалакка чиқди. Жаҳл устида у ҳам “Ажрашмас, ажрашавераман. Аммо нима қилиб бўлса ҳам, ўғлимни онасига бермайман”, – деб юборди. Судга борганида судья эр-хотинга яхшилаб ўйлаб кўриб, кейин бирор қарорга келишларини таъқидлаб, олти ой муддат берди.

Розия опа ўғлининг бу қарорини эшитиб, қувонганидан терисига сиғмай кетди. Фурсатдан фойдаланиб, Раҳимани тезроқ келин қилиш пайига тушди. Синглисига кўнғироқ қилиб, тўйга тарадуд қўриш кераклигини айтди.

Назокат бўлса...кейинги кунларда ўзини қандайдир нохуш ҳис қилар, кўпича мазаси бўлмаган уйда ётар, ишга ҳам боргиси келмасди. Рухиятидаги тушкунлик соғлиғига таъсир қилаётган-

нини билиб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилса-да, бунинг уддасидан чиқолмаётганди. Ундан хабар олишга келган онаси қизининг аҳволига қуюниб, шифокорга учраши лозимлигини айтди.

– Онажон, дўхтирга боргим йўқ... Ўлгим келяпти. Ражаб акамни қаттиқ яхши кўрарканман... – Назокат шу сўзларни айтаётди, йиғлаб юборди. – Бекор уришдим улар билан.

– Албатта, бекор уришгансан-да, қизим. Куёвим доимо сен тарафда эди, – дашном оҳангда гапирди онаси. – Ҳеч кимга маслаҳат қилмай, судга ариза берганингни қара. Расулжоннинг тақдирини ўйламадингми?

– Суд ҳам дарров ажратмас экан, онажон. Бизга ўйлаб кўриш учун муддат берди. Диванда чўзилиб ётган ёш жувон шу сўзларни айтаётди, бирдан ўзини ғалати ҳис қилди. Жойидан туриб, деразани очди-да, тўйиб нафас олди. – Онажон, кейинги кунларда жуда тез чарчаялман, билмадим нимага бундай? Нафас ололмай қоламан, гоҳида.

Уша куни онасининг қистови билан шифокори Шарифа опага учраган Назокат қутилмаган янгликдан эшитиб, қотиб қолди. Назокат қилиб келган компютер томографиясининг суратларини кўрган шифокор кўнғироқ қилиб, тўйга тарадуд қўриш кераклигини айтди.

– Яқин ойлар ичида сиз ундан бутунлай халос бўласиз. Шунча даволанишингиз беҳуда кетмабди, – деди Шарифа опа текширув натижаларини унинг касаллик варақасига қайд этаркан. –

Бу организмдаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Ҳомилдор эмасмисиз, мабодо? Гинеколога ҳам бир учраб кетсангиз, яхши бўларди.

Назокат Шарифа опанинг олдида чикди ҳамки, онаси кўнғироқ қилди.

Назокат онасини тинчлантириб, аёллар шифокорига учрашиши лозимлигини, кейин керакли дори-дармонларини олиб уйга боришини айтди.

Назокат гинеколог хузуридан дунёларга сиғмай, қувониб чиқди. Ростдан ҳам ҳомилдор экан! Бу нима шунча йиллик сабрига тақдирнинг мукофотимикан? Қайнонаси эшитса, бирор нима ўзгарармикан? Турмуш ўртоғи эшитса-чи? Жувон онасига кўнғироқ қилиб, суюнчи олди-да, шифокорлар буюрган қўшимча дармондориларни олиб, кейин уйга боришини айтди.

Назокат касалхона ҳовлисидаги дорихонадан дориларни олиб, катта дарвозага қараб йўналди. Шундоққина дарвоза ёнида “Матиз”ига суянганча турган Ражабга кўзи тушди. “Бу ерда нима қилаяпти экан? Наҳотки, мени излаб келган бўлса?” – хаёлидан кечирди Назокат. Кейин ўзининг саволига ўзи жавоб топди. “Онам куёвига кўнғироқ қилиб, янгликни айтган бўлса керак. “Кўнғилдаги ёруғ ҳисларга бўйсуниб, Ражабнинг олдида тезроқ бориш учун қадамини тезлатди. Эрининг қўлида ўзи севган алвон атиргуллардан йиғилган катта гулдаста бор эди...

Моҳиғул НАЗАРОВА

ИНСОНИЙЛИКНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАСИ

Нўмон Каримов алоқа соҳасида салкам қирқ тўрт йил ишлаган бўлса, шундан қирқ йили раҳбарлик билан кечган. Энг кичик лағозимлардаёқ соҳани тез ва пухта ўрганиб олган билимга чанқоқ йигит юмшоқ табиати, тўғри ва ҳалоллиги, ташаббускорлиги туфайли бўлса керак, жамоага маъқул келган. Одамларни бирлаштира билган. Ишда асосий натижалар ҳамisha қувончли бўлган. Бир сўз билан айтганда, Каримов қисқа фурсатларда почта ва телекоммуникация соҳасининг ҳақиқий зиёли мутахассиси бўлиб танилган.



Фахрийликка чиққач ҳам бир неча йил “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали директори ўринбосари сифатида фаолият юритди. Мушкул кунларда почтани оёққа қўйишга ўз ҳиссасини қўшди. Узоқ йиллик самарали меҳнатлари, юзлаб шогирдларни тарбиялаб камолга етказганини ҳамма билади. Телекомчилар орасида ҳам, почтачилар орасида ҳам шогирдлари ниҳоятда кўп. Ҳа, бу беназир инсонни вилоятда барча алоқачилар устоз Каримов деб эъзозлашлари шундан. Яқинда – 80 ёшга тўлган кунинда устозга кўнғироқ қилиб табрикладим. Очиги, мени айна кунда устоз қандай китоб мутолааси билан бандлиги жуда қизиқтирарди. Устознинг бир неча йил муқаддам Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини икки тилда – ўзбек ва рус тилларида ўқиб чиққани мени, айниқса, ҳайрон қолдиргани ёдимда эди. Ўзининг таъбири билан айтганда, “Ҳарф таниганидан китоб асирига айланган” бу ажойиб инсоннинг саволига жавоби ҳам кутганимдай ажойиб бўлди:

– Фарғона деҳқон бозорига борсам одатимга кўра аввал катта дарвозадан кирганда чап томонда жойлашган китоб дўкончасига кираман. Бежиримгина дўкон – китоб дунёси! Сеҳрли олам! Бу оламга шўнғийману яшариб-яшариб кетаман денг гўё! Китоблар танлайман. Невадаларга ҳам ажойиб суратли ранг-баранг китоблар харид қиламан. Ана шу дақиқалар қувончини бошқа қувончларга тенглаштириб бўлармикан, дейман ўзимча. Сўнг бозор ўчарни апил-тапил қилиб уйга шошиламан. Тезроқ шу китобни ўқисам дейман. Хуллас, ҳозир, шу дамда ўқийётган китобимни ҳам ана шу севимли дўкондан топиб келдим. Тоҳир Маликнинг “Фалак” фантастик романи, киссалари ва ҳикоялари. Жуда мазза қилиб ўқияпман...

Кўриб турибсизки, устоз ана шундай китобсевар, маърифатпарвар инсон. Шу улғу ёшда ҳам равшан ақли-тафаккури, тиниқ фикрлаши билан фарзандларигаю шогирдларига ибрат мактаби бўлиб келмоқда.

– Уйда вай-фай бор, – дейди ус-

тозимиз. – Ижтимоий тармоқлардан керакли маълумотлардан хабардор бўлиб тураман. Жаҳондаги вазият, тиббиётдаги янгиликлар, телекоммуникация ва почта соҳасидаги тараққиёт, болалар тарбияси... жуда кўп мавзуларни кузатаман. Хулосалар ясайман. Рости, қўл телефонимдаги баъзи нарсаларда оқсайман. Шунда бу йил орзуимни ушлатириб, ТАТУ Фарғона филиалига ўқишга кирган Бахромжон неварам ёрдамга келади. Қаранг, илгари ҳаммаси аксинча эди – унга ҳамма нарсани мен ўргатардим. Энди эса у. Барака топсин, малолланмайди. Эринмай тушунтиради. Етказганига шукр.

Нуроний устознинг энг кўп такорлайдиган дуоси ҳам шу – “Етказганига шукр”. Ўтган сешанба кунини Ўзбекистон Президентининг “Почта хизматларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинган кунларда яна устозга кўнғироқ қилдим. Аниқки, қарордан устознинг боши осмонларга етган.

– Шунча йиллар соҳада ишлаб, илк марта давлат раҳбарининг почтага эътиборини кўриб турибман. Ниҳоятда хурсанд бўлдим. Минг қатла шукрлар айтдим. Барча шогирдларга телефон қилиб, уларни оламшумул қарор билан муборакбод этдим. Ана шу тарихий ҳужжатга бағишлаб “Ўзбекистон-24” канали тайёрлаган репортажни қайта ва қайта томоша қилдим. “Xabar.uz” телеграм каналда ҳам қайта-қайта ўқидим. Чекка ва олис қишлоқларда ҳам 13 хил давлат ҳамда банк хизматлари йўлга қўйилиши, ишлаб чиқарувчилар учун онлайн савдо майдончаси яратилиб, маҳсулотларни сақлаш, етказиб бериш... Жараёнлар автоматлаштирилиши, жўнатмаларни жамият сайтида кузатиш имкониятлари яратилиши... Санаб адо қилолмайсиз. 779та чора-тадбирлар белгилангани, 100 млрд. сўмлик акциялар чиқарилиши – ҳамма-ҳаммаси соҳанинг рақобатбардош тузилмага айланишидан, почтачиларнинг машошлари ошиши, ишчи ўринлари яра-

тилишидан дарак бериб турибди. Кадрлар ўқитилиши, малакалари оширилишини айтинг. Ахир саксонинчи йил бошларида олий маълумотлилар алоқа соҳасида бармоқ билан санарли эди. Биринчи бўлиб биздан сўнг олий маълумотлилар қаторига Улуғбек Султонов ва Нўмонжон Акбаровлар кириб келишган эди. Менимча, ўн йилларда соҳада олий маълумотлилар сафи ескин ошиб, саксон фоизларга етиб қолади. “Xabar” газетасида бир неча йиллар олдин “Электрон тижорат – почта халоскори” деб ёзгандингиз. Мана, бу жараён жадаллашиб кетди. Мени ҳам шу кунга етказганига шукр...

Устознинг фикрича, Миллий операторимизнинг почта ривожланиши глобал рейтингда мамлакатимизнинг биринчи 50таликка киритилиши йўлида жуда кўп тер тўкилиши зарур. Муваффақият дастлабки ишлар оқилона ва тўғри ҳал этилишига боғлиқ. Устозни бу борада раҳбарларга берган қимматли таклифлари ва тавсиялари ҳам беҳад таҳсилларга сазовордир.

Шундай толмас, фаол инсон суҳбатимиз сўнгига “Мендан бахтиёр инсон йўқ, энг бахтиёр бобо, энг бахтиёр алоқачиман, почтачиман!” деди. Чиндан ҳам узоқ йиллар севган касбида ишлаган, элу юртга ҳадсиз-ҳисобсиз нафи теккан, фарзандларини солиҳ инсонлар қилиб тарбиялаган инсон чин маънода, ҳеч қандай муболағаларсиз бахтиёр, бадавлатдир. Дарҳақиқат, устоз рафиқаси Элмира она билан уч нафар фарзандни оқил инсонлар қилиб вояга етказган. Замирахон опа ўқитувчиликдан фахрийликка чиққан. Наримонжон билан Гулнорахон педагог. Улар шаҳардаги 14-мактабда ишлашди. Ёш авлодни оқилу доно қилиб тарбиялашга ўзларининг муносиб хиссаларини қўшмоқдалар. Нўмонжон бобо, айниқса, невалари подполковник Темур Худойбергандов ҳамда ТАТУ Фарғона филиали талабаси Бахромжон Абдурахмоновлар билан жуда фахрланади. Қолган беш нафар невага ҳам ана шу акалари изидан бориш орзусидалар.

Мақолага нуқта қўярканман, камтаринлик ва хокисорликда яшаб келётган Нўмон Каримов каби нуронийлар маънавиятимиз устунларидир, дегим келади. Бинобарин, шарофли ҳадисда ҳам “Эй одам фарзанди, сабрли бўл ва ўзингни паст тут. Ўзим сени олий даражага кўтараман” дейилган. Олий даражага етган устозимизга мустаҳкам саломатлик, зиёда умр тилаган ҳолда, бахтингизга кўз тегмасан, узун ҳаётингиз давомида шу бугунгидек ёрқин саҳифалар кўп бўлаверсин, деймиз.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг
Фарғона вилоятидаги муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига мувофиқ “TASTY PRODUCTION” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) 2020 йил 5 мартда маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган лицензия бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2020 йил 16 декабрда “АЛСКОМ” АЖ СК томонидан 30 000,0 минг сўм хомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси ходим Одил Абдусаломовга волидай муҳтарамаси **ОЙШАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК бошлиғи, ҳукумат алоқа хизмати маркази раҳбари Миркомил Мирнасиrowга волидай муҳтарамаси **РАЪНО** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“Электромагнит мослашув маркази” ДУК жамоаси Самарқанд вилояти электрмагнит мослашув хизмати ходими

Аҳмад НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия ихзор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг ахборот хавфсизлиги факультети декани Дурдона Иргашевага падари бузруквори **Ёқубжон МУСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



ВИРТУАЛ ОЛАМДАН РЕАЛЛИККА 7 ҚАДАМ

Ижтимоий тармоқларга тобеликни енга оласиз!

Ҳар кун тонда уйғониб, биринчи қиладиган ишингиз Facebook, Twitter ёки Telegramдаги akkaунтингизни текширишимиз? Бундан ташқари, ухладан олдин, ишда, дарсда ва бошқа юмушлар билан шуғулланганнингизда бироз бўш вақт топилди дегунча телефонингизни қўлингизга оласиз. Демак, бу муаммо сизни ҳам четлаб ўтмаган. Сиз ижтимоий тармоқлар измига тушиб қолгансиз. Агар бу тобеликдан қутулиш ва кўпроқ вақтингизни оила аъзоларингиз ёки қўлингизда китоб билан ўтказишни истасангиз, қуйидаги қадамларни қўйишдан бошланг.

1. Ўз тобелигингизни тан олинг. Ҳаётингизни виртуал эмас, реалликда мазмунлироқ қилиш учун бу қўсурдан қутулишингиз керак.

2. Ҳар сафар тармоққа кириб, янгиликдан хабардор бўлиш истаги туғилганда бироз тўхтаб, уйлаб кўринг. Аввало, бу тармоққа нима сабабдан қўшилганингизни эсланг, ахир сайт сизга дўстларингиз билан алоқада бўлиш учунгина керак.

3. Ижтимоий тармоқларга бир кунда қанча вақт сарфлаётганингизни виждонан ҳисоблаб кўринг. Кейин эса тармоқдаги ҳар бир фаолиятингиз учун аниқ вақт белгилаб, жадвал тузинг. Масалан, келган хатларни ўқиб, уларга жавоб ёзиш учун 15 дақиқа, профилингизни янгилаш учун 10 дақиқа...

4. Энди эса ушбу вақт чегарасини бузмасликка ҳаракат қилинг. Ижтимоий тармоқ сайтга барча зарур ишларингизни бажариб бўлгандан сўнггина кiring. 20 дақиқа онлайн бўлиб, кейин барча ишларини бажараман, дея ўзингизга ваъда бера қўрманг – бу ёлғон. Амин бўласизки, икки соат ўтиб ҳам, интернетдан бўшай олмайсиз.

5. Кераксиз кишиларни дўстларингиз рўйхатидан ўчириб ташланг, ахир улар сони қанча кўп бўлса, хабарлар ҳажми ҳам шунча ортади, онлайн вақтингиз ҳам

узаяверади. Сиз яхши таниган ва ҳақиқатан дўсларингиз деб билганларингизнигина қолдиринг.

6. Агар муҳим топшириқ олган бўлсангиз, чалғимаслик учун ижтимоий тармоқларингиз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туринг.

7. Турли ижтимоий тармоқларга кетказадиган вақтингиз ўрнига қанчалик фойдали ишлар билан шуғулланишингиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Унинг ўрнига сиз, янги чет тилини ёки спорт билан шуғулланишингиз, янги таом рецептини ўрганишингиз, бирор уй ҳайвони боқилишингиз, китоблар ўқишингиз, қизиқarli хобби билан машғул бўлишингиз, боринки дўстларингизни уйга таклиф қилиб, виртуал эмас, реал мулоқот қилишингиз мумкин.

Уриниб кўринг!

● Аккаунтингизга 1 кун, 3 кун, кейин эса 1 ҳафта кирмай кўринг, бу ёрдам бериши керак.

● Ҳар сафар тармоққа кириш истаги туғилганда, ўзингизга қатъият билан "Йўқ!" денг.

● Юқорида санаб ўтилган маслаҳатлар фойда бермаса, чўқур нафас олинг ва akkaунтингизни узил-кесил ўчириб ташланг. Ахир, барча қиладиган ҳаракатларингиз ўз фойдангиз учун.

Ёдингизда бўлсин – сиз бу тобеликни енга оласиз!

Бепарео одамга маслаҳат берадиган одамнинг ўзи маслаҳатга муҳтождир.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

САЛОМАТЛИК

Олимлар COVID-19га қарши яна бир табиий дорини топишди

Асалари захри вирусга қарши таъсирга эга бўлиб, короновирус инфекциясида ёрдам бериши мумкин, дея фикр билдирмоқда Германиянинг Фридрих Шиллер номидаги университет ва Ортенуа Оффенбург клиникалари олимлари.

Ушбу тахминни текшириб кўриш учун тадқиқотчилар касалликка дуч келган германиялик асаларичилардан онлайн сўровномани тўлдиришни сўрашди. Сўровнома умумий (ёш, жинс, сурункали касалликлар) ва касбга доир саволлардан тузилган: қанча вақтини ишда ўтказиши, бу йил қанча асалари чаққани, бу уларга қандай таъсир қилгани шулар жумласидан.



Сўровнома иштирокчиларининг 22 фоизи COVID-19 касаллигини бошидан ўтказган. 41 фоизи вирус ташувчиси билан алоқада бўлишига қарамай, касал бўлмаган. Тадқиқот қатнашувчиларининг аксарияти у ёки бу шаклда прополисни ишлатган: ундан асаларилар уядаги ёриқларни елимлашда фойдаланади. "Асалари захрининг вирусга қарши самараси бир қанча тадқиқотларда топилгани боис, COVID-19 касаллигида асалари захридан фойдаланиш профилактик ёки аҳволни енгилашувчи таъсирга эга бўлиши мумкинлигини истисно қила олмаймиз", – дея таъкидлашди муаллифлар.

Мутахассислар фикрича, асалари захри таъсир кўрсатиши учун уни касалликнинг бошида қўллаш керак.

ПАЗАНДА

ГўШТНИ ЮВГАЧ...

Гўштни қовуришдан олдин ювиш керак, аммо ундан сўнг ликопча ёки косага солиб қўйиш хато. Негаки гўшдан ажралган суюқликда микроб ва бактериялар бор. Сиз гўштни чайиб, ундаги ёпишқоқликни кетказгандек бўласиз, аммо у ўзидан ажралган суюқликда туриб қолиб, ичак таёқчаларини келтириб чиқариши мумкин бўлган зарарли микроорганизмларга тўйинади. Гўштни чайдингизми, қоғоз салфетка устига қўйиб қурилинг.



ХАНДАЛАР

Дугоналар суҳбатлашмоқда:

- Биласанми, эрим мени "Қуёнчам" деб чақира бошлади.
- Бу зўр-ку!
- Нимаси зўр?! Эрим исминни унутиб қўйганга ўхшайди!..

Фақат ўзбек "Қаерга кетяписиз?" деган саволга "Ҳозир келаман" деб жавоб беради ва савол берувчи унинг қаерга кетяйтганини тушунади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўжаал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асиддин БЎРИЕВ.

Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа уйи босмаҳонасида чоп этилади. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

V 4469 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 3955 нусха.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода (99)854-7305

Жиззахда (94) 199-95-64

Наманганда (91) 353-71-25

Навоийда 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда (91)557-84-44

Термизда (91)235-88-68

Тошкентда 234-18-59

Урганчда (97) 211-65-05

Фарғонада 244-18-05
Қаршида (93)931-08-99